

Харидлар учун эса ДУК томонидан МЧЖга 3 млрд. 372 млн. 330 минг сўмдан ортиқ маблағ ўтказиб берилди. Аниқланишича, етказиб берилган эҳтиёт қисмларнинг бозор қиймати аслида 2 млрд. 669 млн. 307 минг сўмни ташкил қилган.



Аркадий унинг бу каби гапларига кўникиб қолгани учун эътибор қилмай, кўёвининг навбатдаги нағмаси деб ўйлаб, телефонни қўйиб қўйди. Аммо Аркадий Сакокининг бу таҳлиди сўнггиси эканини ҳаёлига ҳам келтирмаганди...



Mustaqillik huquq demakdir

Ҳуқуқ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 18-iyul, №29 (862)



Синовларга оз фурсат қолди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йил 11 июндаги қарорига асосан, Ўзбекистон олий ўқув юр்தларининг 2013-2014 ўқув йили учун абитуриентларни қабул қилиш жараёни якунланишига ҳам оз фурсат қолди.

Таъкидлаш лозимки, бу йил олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига 2013-2014 ўқув йилида белгиланган умумий қабул квоталари доирасида умумий ўрта таълим ва касб-хунар коллежларида чет тили ўқитувчиларига катта эҳтиёж сезаётган узоқ қашлоқ жойлардан келган абитуриентларни мақсадли қабул қилиш ҳуқуқи берилган.

2013-2014 ўқув йилида ўқишга қабул қилиш бўйича Тошкент Давлат техника университети биринчи ўринда бўлиб, ушбу таълим муассасасига 2 минг 530 нафар абитуриент

ўқишга қабул қилинади. Ундан кейинги ўринларда Тошкент ахборот технологиялари университети (филиаллари билан 2 минг 255 нафар), Тошкент Давлат аграр университети (филиали билан 1 минг 950 нафар), Қорақалпоқ Давлат университети (1 минг 825 нафар), Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти (1 минг 685 нафар) турибди.

Маълумки, Ўзбекистон олий таълим муассасаларига абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш 20 июлда тўхтатилади. Манбаларда қайд этилишича, ўқишга кириш истагини билдирган абитуриентлар сони бўйича 2012 йилда рекорд натижа ўрнатилган бўлиб, ўтган йили 432 мингдан ортиқ абитуриент ўқишга ҳужжат топширган, яъни ҳар бир талабалик ўрнига 7,6 нафардан даъвогар тўғри келган экан.

Ўз мухбиримиз

АҚШ делегацияси ташрифи

АҚШ Давлат котибининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича ёрдамчисининг ўринбосари Жейн Зиммерман раҳбарлигидаги делегация аъзолари 15 июль кунини мамлакатимизга ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан учрашди.

Икки томонлама мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар кўплаб йўналишларда, жумладан, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Музокарада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-

нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили кўплаб хорижий давлатлар омбудсманлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани Ўзбекистондаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидан жаҳон жамоатчилигини кенг хабардор қилишга, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро институтлар билан алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилаётганини айтиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар, Омбудсман фаолияти, унинг прокуратура, ички ишлар идоралари ва суд органлари билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлиги юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

Ҳайъат мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг 2013 йилининг 6 ойи якунларига бағишланган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларининг Қуроли Кучларда қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2013 йилнинг 1-ярми давомида амалга оширилган фаолияти таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалари белгиланганлиги олинди.

Йиғилишда Республика Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан Қуроли Кучларда қонунийликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида белгиланган вазифалар ва прокуратура органлари

Абдуғаффор АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокуратураси
бўлим бошлиғи

фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ишларни ташкил қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Ўтказилган ҳайъат йиғилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар қўриш бўйича масъуллаарга тегишли топшириқлар берилди.

Ишончни суиестеъмол қилмайлик

Тахририятнинг фуқаролар мурожаатлари, хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлимига жорий йилнинг олти ойи даврида фуқаролар мурожаатлари бўйича 185 та ариза ва шикоят келган бўлиб, шулардан тахририятга жавоб берилишни сўраб тегишли прокуратура органларига юборилган мурожаатлар юзасидан жавоб хатлари олинди.

Шунингдек, фуқаролар мурожаатларининг муайян бир қисмини ҳуқуқий йўналишдаги саволлар ташкил этиб, уларга бевосита "Ҳуқуқ" газетаси саҳифаси орқали тегишли жавоблар бериб берилди. Шунингдек, ҳуқуқларининг тикланиши ҳамда муаммоларининг ечимини топишда бевосита кўмак берган прокуратура органлари ходимларининг беҳимнат хизматларидан миннатдор бўлган фуқароларнинг шу мазмундаги хатлари ҳам "Ҳуқуқ" газетаси саҳифаси орқали эълон қилиб берилди.

Ёзилажак хат ва хабарлар — шахс билан жамиятни узвий боғлаб турувчи восита ҳисобланади. Фуқаролар мурожаатлари ҳам худди мана шу восита орқали амалга оширилиб, улар ариза, тақлиф ва шикоят тарзида ифода этилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади.

"...Ҳуқуқ"нинг 2010 йил 10-сонида электр-энергияси ҳамда табиий газ тар-

моқлари тизимидаги камчилик ва муаммоларга доир "Муаммонинг ечими бор...ми?" номли ажойиб мақола ёритилган эди, — деб ёзади Жиззах тумани Учтепа қашлоқ фуқаролар йиғини, Учтепа маҳалласининг Н.Шукуров кўчасида яшовчи бир неча фуқаролар номидан П.Эргашева ҳамда А.Худойровлар тахририятга йўллаган мактубида. — Афсуски, мақолада бонг уриб тилга олинган айрим муаммолар бизнинг Жиззах туманимизда бугунги кунда ҳам мавжуд.

Тумангаз ва туман электр-энергияси тармоқлари раҳбарлари "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига масъулият билан қарамайдилар. Ҳар ойда бир-икки мартадан ҳам озғаски, ҳам ёзма равишда газ ва электр-энергияси тармоғидаги мавжуд камчилик ва муаммолар хусусида мурожаат қилсак-да, бирор марта ҳам қонун доирасида жавоб ололмаймиз...

Уйма-уй юриб, тўловларни қабул қилиб юрган назоратчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини кўриб, улар ўзларига тегишли низомини билишмайди, деган фикрдамыз. Сабаби, биринчидан, газ ва электр тармоқлари идораларида кадрлар кўнимсизлиги яққол кўзга ташланади. (Нима сабабдан назоратчилар тез-тез алмаштирилиб турилади?) Оқибатда қайси хонадон қайси таъминот идорасидан қанча миқдорда қарздор ва ҳоказоларни билишмайди. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб рейд ўтказишди-ю, уларда на лавозимини тасдиқловчи гувоҳнома ва на идоранинг мониторинг

ўтказиш тўғрисидаги ички буйруғи бўлади.

...Пенсия ва нафақа пулларини тарқатиш пайтида кассирнинг ёнида ўтириб олган назоратчилар (гази борми-йўқми фарқи йўқ!) тўловлар учун мажбурий тарзда пул ушлаб қолади. Бирок, бу тўлов тўғрисидаги патта газ идорасига етиб бормай, алоқа бўлими идорасида йўқлиб кетади.

Бизнинг бундай ариза билан мурожаат қилишимизга туртки бўлган юқоридаги камчилик ва муаммоларга барҳам берилишини истар эдик...

Бир қарашда шикоят мазмунини берадиган ушбу хат тармоқда кўзга кўринган хато ва камчиликлар, мавжуд муаммолар ҳақида хабар бериш билан бирга "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида белгиланган қўйилганидек, фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатишни сўраб баён этилган мурожаатдир.

[Давоми 4-бетда]

Ёшлар тақдирига бефарқ бўлмайлик

Ёшлар эртанги кунимиз, келгуси фаровон ҳаётимизни таъминловчи куч бўлганини боис, Ўзбекистонда ёшлар тарбиясига давлат сибёсати даражасида қараб келинмоқда. Уларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Айниқса, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуришини оламини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш бутунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади.

Беруний туман прокуратураси томонидан ҳам ҳукуматимизнинг тегишли қарор ва кўрсатмаларидан келиб чиқиб, соҳага оид қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жойларда, айниқса, ёшлар орасида тез-тез учрашув ва суҳбатлар ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари,

жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман прокуратураси томонидан воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси бўйича 6 та текшириш ўтказилиб, натижаси бўйича 3 та протест келтирилди, 8 та тақдимнома киритилиб, ҳуқуқбузарликлар бўйича 1 та интизомий, 9 та маъ-

мурий ишлар кўзғатилди.

Ҳозир туманимизда 68 та мактаб мавжуд бўлиб, уларда 25884 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётган бўлса, 8 та касб-ҳунар коллежларида эса 8345 нафар талаба тахсил олди. Уларнинг 4342 нафарини қиз болалар ташкил қилади.

Азалдан халқимизда қизлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб келинган. Афсуски, баъзи ҳолларда айрим ота-оналар ўз фарзанди тақдирига бефарқ бўлиб, тузатиб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйишди. Тиббий маълумотларга қараганда, воёга етмай турмушга узатилган ва ҳомиладор бўлган қизларда

мураккаб физиологик ҳолатлар юз берар экан. Қизини эрта турмушга узатиш ниятидаги ота-оналар булар ҳусусида чуқур ўйлаб кўришлари лозим.

Никоҳ ёшига тўлмаган шахс билан никоҳ тузиш маросимида қатнашган ҳар қандай шахс, жойлардаги имомхатиблар, овул ва маҳалла домлалари жавобгарликка тортилиши тўғрисида жойларда ташкил қилинаётган учрашувлар чоғида алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ота-она, мактаб ва касб-ҳунар коллежлари каби таълим-тарбия муассасалари ҳамкорлиги жуда за-

Равшанбек БАУАДДИНОВ,
Беруний туман прокурори

рур. Шунингдек, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, туман хотин-қизлар кўмитаси, маънавият ва тарғибот маркази, жамоат бирлашмалари, "Қамолот" ЁИҲ туман бўлимидан эрта турмуш қуриш, қариндошлар ўртасидаги қудда-андачиликнинг салбий оқибатлари ҳамда узлуксиз мажбурий таълим тўғрисида жойларда кенг қўламда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришлари талаб этилади. Зеро, ёшлар — давлатимиз келажаги. Уларнинг тақдирига бефарқ бўлмайлик.

Баъзилар бор, яхшигина даромад қилиб, ризқини топаётган жойини ўзи била туриб, йўқ қилади. Бундайларга нисбатан халқимиз "беш панжасини оғзига тиқибди-ла", дейди. Дарҳақиқат, бу бежиз айтмаган. Чунки, айрим кимсалар қонуний ишлаб, даромад қилсалар-да, нима учунлар ноқонуний йўлга ҳам киришни кўнгиллари тусаб қолади. Оқибатда эса...

Эгри юрган қолар уятга

Жума ҚАЮМОВ,
СВОЖОДЛҚК департаментининг Яқасарой
туман бўлими бошлиғи

Неъматжон Иботов Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан "Қурилиш кўеши" масъулияти чекланган жамиятини рўйхатдан ўтказиб, дурустгина ишнинг бошини тутган эди. Кўп ўтмай нафсининг йўриғига юрди шекилли, ноқонуний йўлга кириб кетди. 2011 йилдаги фаолияти давомида турли ҳўжалик юритувчи субъектлардан ўз ҳисоб рақамидида пуллардан қўчириш йўли билан 427 млн. 224 минг сўмга цемент қурилиш маҳсулотини харид қилди. Сўнгра харидор топиб, цементни нақд пулга сотиб юборди-да, маблағни тегишли тартибда банкка топширишни хаёлига ҳам келтирмади. У ўзининг бу ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабини бузган эди.

Бундан ташқари, Н.Иботов билан МЧЖнинг бош ҳисобчиси Дониёр Абдуразоқов жамиятда амалга оширилган фаолият юзасидан Давлат солиқ идорасига ҳисобот топшириб, солиқларни тўлаб бориш кераклигини яхши билишса-да, бу ишларни бажаришдан қасддан бўйин товлаб келишади. Хусусан, раҳбар ва бош ҳисобчи корхонада ишчиларни норасмий ишлатиб, уларга ҳеч қандай ҳужжатларсиз 45 млн. сўм маошларни тўлаб юборадилар. Бунинг натижасида жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғи тўланмайдиган, яъни 9 млн. 900 минг сўм "чўнтақдан" жой олади. Иш ҳақи фондидан эса 11 млн. 250 минг сўм ягона ижтимоий тўлов ҳам амалга оширилмайдиган. Хуллас, раҳбар ва бош ҳисобчи бюджетга тўланишни керак бўлган 23 млн. 175 минг сўм пулни тўламасдан, давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказишган.

Бу ишни атрофчиқа қўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Яқасарой туман суди Н.Иботов ва Д.Абдуразоқовларга қонун доирасида тегишли жазо тайинлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, халқимизда "Тўғри юрсанг етарсан муродга, эгри бўлсанг қоларсан уятга", деган нақл бежиз айтилмаган.

Мустақиллик шодиёналарига тайёргарлик

Содиқ ЖўРАЕВ,
Хатирчи туман прокурори
ўринбосари

Хатирчи туманида ҳам мустақиллигимизнинг 22 йиллигини юксак савияда нишонлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, байрамга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича 2013 йил 18 июнда туман ҳокимининг Қ-493-сонли қарори қабул қилиниб, "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" деган ширини асосий гоя сифатида ўзида муҳасам этган байрам дастурларини тайёрлаш ва ижодий ғуруҳларни тайинлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Туман фаолларидан иборат ишчи ғуруҳлари тузилиб, тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, байрам ўтказиладиган жойлар аниқланиб, кўчаларни байрамона безаш ишларини амалга ошириш, байрам кўчалари аҳоли учун савдо тармоқларини ва хизмат қўрсатиш тизимини фаолиятини ташкил этиш, хавфсизлик чораларини кўриш ишлари белгиланган бўлиб олишган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг июль-август ойларида тумандаги умумтаълим мактаблар

ри ва касб-ҳунар коллежларида "Мустақиллик берган неъматлар" мавзуларида ҳуқуқий-маърифий суҳбатлар, давра суҳбатлари ва очиқ мулоқотлар ташкил этилиши режалаштирилган.

"Мен илк бор овоз бераман" ширини остида ўн саккизга кирган ёшлар ўртасида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими, Олий Мажлис фаолияти ва демократик сайловлар билан боғлиқ тушунчаларни кенг тарғиб этишга қаратилган учрашув

лар, давра суҳбатлари ҳамда қизиқарли савол-жавоб кечалари ташкил этиш режалаштирилган.

Байрам кунлари шунингдек, меҳр-муруватга муҳтож етим-есирлар, ёлғиз қаришлар ва ногиронларнинг аҳолидан хабар олиш, уларга муруват ёрдамларини ташкил этиш, аҳолини электр энергияси, газ ва ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш каби тадбирларни ўтказиш учун шароитлар яратилмоқда.

Соҳтакорлик

Илҳомбек МАҲМУДОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Бунёкорлик, яратувчанлик, қурилиш ишларига мойиллик ва моҳирлик азалаан халқимизга хос хислатлардан. Мустақиллик йилларида ана шундай анъаналарга солиқ қолган ҳолда мамакатимиз миқёсидла амалга оширилаётган катта қурилиш, бунёкорлик ишларига ғувоҳ бўлмоқдамиз. Айниқса, Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқлар инфратузилмасининг йилан-йилга ривожланиб бораётгани, аҳолининг замонавий уй-жойлар билан таъминланаётгани, бу борада зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилаётгани эътирофга лойиқ. Бироқ мана шундай хайрли ишлар жараёнида фақат ўз манфаатини кўзлаб, чўнтагини қаппайтириб қолиш ининжила юрганлар ҳам борки, уларнинг қилмишларини ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди.

Абдусоат Баратов "KARKAS JBI TRADE" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этаётганда юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳитидан ўзининг фаразли мақсадлари йўлида фойдаланишни мақсад қилган қўринади. Акс ҳолда "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИК Тошкент вилоят филиалининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Б.Жуманкулов, филиал техник назоратчиси Н.Исроилов ва бошқалар билан ҳисобга олинмайдиган фойдани кўзлаб жиноий тил бириктирмаган бўлар эди. У ўзининг режасини амалга ошириш мақсадида жиноий шерикларининг кўмаги билан Зангиота тумани "Катортол" ҚФЙ "Далигузар" аҳоли пункти ҳудудида 15 та намунавий лойиҳа асосида қуриладиган уй-жойлар қурилиш объекти учун танлов ўтказилмасдан қалбаки баённома асосида ўзининг бевосита раҳбарлигидаги МЧЖнинг голиб деб топилишига эришади.

Қалбаки баённомага асосан 2010 йил 27 декабрь кўни "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИК Тошкент вилоят филиали ва "KARKAS JBI TRADE" МЧЖ ўртасида шартнома тузилади. Унга кўра, А.Баратов МЧЖ раҳбари сифатида "Далигузар" аҳоли пункти ҳудудида яқка тартибдаги лойиҳа асосида жами 1 млрд. 125 млн. 465 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

Шундан кейин А.Баратов ҳамтовоклари Б.Жуманкулов ва Н.Исроиловларнинг ёрдами билан 2011 йил февраль ойдан 2012 йилнинг март ойига қадар бўлган даврда тузилган "Бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-фактура"ларга асосан, жами 1 млрд. 69 млн. 192 минг 300 сўмлик пул маблағларини "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИК Тошкент вилоят филиали ҳисоб рақамидан "KARKAS JBI TRADE" МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб олишга эришади. Пул "чўнтақ"ка тушганидан кейин буни қоғозларда ҳам "силлиқлаб" қўйиш керак эди. Шу мақсадда ишга киришган жиноий ғуруҳ аъзолари "Бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-фактура"ларни қалбакилаштириб, жами 1 млрд. 125 млн. 465 минг сўмлик бажарилган ишлар қийматини сунъий равишда ошириб, қўшиб ёзиш натижасида 45 млн. 603 минг 100 сўмлик пул маблағларини талон-торож қилиш йўли билан ўзлаштириб юборишади.

Шу билан қилган ишларимизни ҳеч ким сезмайдиган, деб ўйлаган жиноий ғуруҳ аъзолари қаттиқ янглишган эдилар. Ҳеч бир жиноят исзис кетмаслиги оддий ҳақиқат. А.Баратов бошчилигидаги жиноий ғуруҳнинг ҳам қилмиши ошкор бўлиб, суд уларга нисбатан ўзининг одилона ҳукмини ўқиди.

Келажак авлод истиқболини таъминлашда янги имкониятлар

Муҳтарам Юртбошимиз жорий йилнинг 18 январида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган 2012 йил мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган "Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" номи маърузасида мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини, биринчи навбатда ёшларни ишга жойлаштириш масаласига гўят катта эътибор берилётганини таъкиллаб ўтди.

Дарҳақиқат, катта ҳаётга қадам қўётган ёшларни, айниқса, коллеж битирувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш бугун давлат бошқаруви ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар олдидаги устувор вазифалардан саналади. Шу маънода, Самарқанд вилоятида ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсизлиги ва бу доирадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, касб-хунар коллежларида ўқув жараёни савиясини яхшилаш, амалиёт ўташ самарадорлигини ошириш ҳамда ишга жойлаштиришни таъминлаштириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси ҳамда бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашга йўналиштирилган анъанавий меҳнат тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш, касб-хунар коллежларида олаётган билимларини янада сайқаллаштириш, касбий маҳоратини ошириш, ёшларимизнинг дунёқарашида миллий қадриятларга асосланган хунармандчилик йўналишларига ҳурматини ошириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва вилоят прокуратураси органлари ҳамкорлигида жорий йилнинг ўтган даврида бу йўналишда барча шахар ва туманларда

турли мазмун-моҳият касб этган тадбирлар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Хусусан, яқинда Самарқанд шаҳридаги "Йўлбарслар хиёбони"да "Ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда янги имкониятлар" шiori остида кенг қамровли тадбирлар ўтказилди. Унга 5 мингдан ортиқ катта ҳаётга қадам қўётган коллеж битирувчилари, касб-хунар танлаш иштиёқида бўлган 9-синф битирувчилари жалб қилиниб, улар иштирокида "Меҳнат ярмаркаси" ва "Тўғрақарлар ярмаркаси" ташкил этилди.

Қадимий тарихга эга, бетакрор хиёбони ва меъморий ечим билан тилларда дoston бўлган дунёга машҳур Регистон ёнида жойлашган "Йўлбарслар хиёбони"да ташкил этилган меҳнат ярмаркасида вилоятдаги 367 та юсак салоҳиятли ташкилот, иқтисодий ривожланган саноат корхоналари, ишлаб қилишда ўзига хос ўринга эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 4 минг 997 та бўш иш ўринлари билан қатнашишди. Ярмаркада иштирок этган ўз касбининг усталари бўлган нуфузли корхоналарнинг етакчи мутахассислари ишлаб чиқарган турли сифатли ва харидорбop маҳсулотларини намойён қилишиб, ёшларнинг касб-хунар танлашдаги иштиёқларини оширишди.

Тадбирда иштирокчилардан 2367 нафар касб-хунар танлаш иштиёқида бўлган ёшларга ўзларига маъқул ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Бекиёс Регистон майдонидаги улуғвор мадрасалар ҳовлисида ташкил этилган тўғрақарлар ярмаркаси иштирокчиларга олам-олам таассурот бағишлади. Зеро, Регистон майдони нафақат меъморий ёдрorлик сифатида, балки хунармандчилик маркази сифатида ҳам ном қозонган. Асрлар давомида шаклланган миллий хунармандчилик анъаналари айнан шу масканда барқарор тараққий топган. Бугунги кунда ҳам жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюраётган сайёҳларни миллий хунармандчилик намуналари хайратга солаётгани бежиз эмас. Шунга ҳамоҳанг тарзда ташкил этилган тадбирда рамзий маъно муҳассам. Зеро, ёшларнинг онгу шуурида анъанавий хунармандчиликка ҳурмат ва ҳавас уйғотиш ниятида ташкил этилган тўғрақарлар ярмаркаси тўла маънода ижобий самарага эришди, десак янглишмаймиз.

Регистон мажмуасида жойлашган "Тиллақар" мадрасасидаги "Заргарлик", "Зардўзлик", "Дўппидўзлик", "Шердор" мадрасасидаги "Дурадгорлик", "Гиламдўзлик", "Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш", "Мирзо Улуғбек" мадрасасидаги "Каштачилик", "Моҳир кўллар", "Либослар дизайни" каби тўғрақарларнинг иш жараёни ва маҳсулотлар намойиши ёшларга манзур бўлди. "Хунармандлар маркази" биносиде ташкил этилган "Пичоқчилик", "Кулолчилик", "Муסיқа асбобларини ясаш", "Дурадгорлик", "Чорсу" тасвирий санъат галереясидаги "Фото дизайн", "Рассомчилик", "Натюрморт", "Ранг-тасвир", "Мольбертда чиқиш" тўғрақарлари тақдиротлар билан яқиндан танишиб, тадбирда қатнашган умумтаълим ҳамда касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчи-ёшларидан 1940 нафари ўзларига ёққан тўғрақарларга аъзо бўлишди. Энди бу йигит-қизлар дарсдан бўш вақтларида ўзлари ёқтирган машғулот билан банд бўлишади. Бу каби

амалий ишлар улар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш билан бирга, уларнинг хунар эгаси бўлиб, жамиятга улкан ҳисса қўшадиган комил инсонлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

Тадбирнинг иккинчи қисми Ҳамид Олимжон номидаги вилоят муסיқа ва драма театрида давом этди. Унда прокуратура органлари ходимлари иштирокчида "Ҳуқуқий билимлар" мавзусида очик мулоқот бўлиб ўтди. Мулоқотда битирувчиларга орзу-истаклари, интилишлари, жамиятга ўз ўринларини топишда нималарга эътибор қаратиш муҳимлиги, касб танлаш, меҳнат шартномалари тузиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, кредит олиш ва ундан фойдаланишнинг аҳамиятли томонлари ва энг долзарб масалалар хусусида ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шунингдек, тадбир сўнгшида ёшларнинг чет элга иш излаб қиқиб кетишининг ҳамда одам савдоси қурбони бўлиб қолмасликларининг олдини олиш мақсадида "Огоҳ бўлинг, одамлар" номили спектакль намойиш этилди.

Жорий йилда мамлакатимиз раҳбарининг соҳадаги топишириқларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан вилоятнинг шахар ва туманларида вилоят ҳокими ва вилоят прокурори раҳбарлигидаги ишчи ғуруҳи томонидан мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида касб-хунар колледжлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, кафолатли сертификатлар тарқатилиши ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бўйича сайёр йиғилишлар ўтказилиши йўлга қўйилди. Бу тадбирларга вилоят давлат бошқаруви, Иқтисодиёт, Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, Марказий ва барча тижорат банклари, ўрта махсус, касб-хунар таълими, халқ таълими, почта, маданият ва спорт, солиқ, молия, назорат-тафтиш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва

Шерзод МАҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

сув ҳўжалиги бошқармалари, газтаъминот, электр тармоқлари раҳбарлари жалб қилинди. Ўтказилган тадбирларда давлат идоралари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг бу борада бажарган ишлари хусусидаги ҳисоботлари тингланди. Уларга ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини қучайтириш ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш борасида қатъий топшириқлар берилди.

Бугунги кунда вилоятдаги касб-хунар коллежларнинг 46 минг 546 нафар битирувчилари билан уч томонлама шартномалар тузилиши ва уларга сертификатлар тарқатилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасида турган 1 минг 117 нафар бўлажак тадбиркорларга 3 млрд. 100 млн. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши таъминланган.

Кенг қўламда олиб борилаётган сайёҳаракатлар ижобий самара бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 15 фоизга, хусусан, бадағга енгил шикаст етказиш жинояти 25 фоизга, оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, безорилик жиноятлари 100 фоизга камайгани, Жомбой, Нарпай, Нурабод, Оқдарё, Пайларик, Пахтачи, Тайлоқ, Ургут ва Каттақўрғон туманларида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилмаганиги фикримизнинг яққол далилидир.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд вилоятида ёшларни иш билан таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасида самарали ишлар қилинмаяпти. Бу масала юзасидан қай бир йигит-қиз ёки уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашманг, барчасида хайрихоҳлик ва келажакка ишонч сезилиб турибди.

Мурожаатлар қонуний ҳал этилиши шарт

"Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида таъкилланишича, прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда давлат, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг мурожаатларини кўриб чиқадилар ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар. Шу маънода, Сариосиё туман прокуратураси томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Бош прокурорнинг 2004 йил 10 декабрдаги "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги 37-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб, мурожаатларни ўз вақтида, ҳар томонлама ва ҳолисона ҳал қилиш, бунда асосан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қонун ижроси юзасидан Сариосиё туман ҳокимлиги, ички ишлар, суд ижрочилари, ер ресурслари ва давлат кадастри, архитектура ва қурилиш бўлимида текшириш ўтказилганда, қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганиги аниқланди. Хусусан, Сариосиё тумани, "Аэропорт" кўчаси, 1-4-уй, 15-хонадонда яшовчи фуқаро А.Жабборов ва ҳисобидан тикувчилик цехи, сартарош-

хона, новвойхона, темирчилик ва пойафзал таъмирлаш устaxonаси ҳамда "Пайнет" шохобчаси очиш учун "Сариосиё" қишлоқ фуқаролар йиғини, "Янгиқишлоқ" қишлоғидаги 17-сонли умумтаълим мактабининг эски биноси ҳудудидан ер ажратиб бериш ҳақида туман ҳокимлигига 2010 йил 8 июлда, 2011 йил 6 декабрда ҳамда 2012 йил 12 ноябрда, жами 3 марта мурожаат қилган.

Мазкур аризалар қонун асосида ҳал қилиш учун туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи С.Нарзуллаева берилган. Ўз навбатида бўлим бошлиғи томонидан биринчи аризага эски мактаб биноси ҳудудидан ер майдони ажратиш учун юқори туровчи идоралардан тегишли рухсатнома олиш лозимлиги ҳақидаги жавоб 4 кун кечикиб йўлланган. Иккинчи аризага жавоб умуман берилмагани ҳолда, учинчи мурожаатга "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддаси 2-қисми талаблари бузилиб, яъни қонунда белгиланган қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб қилмайдиган 15 кунлик муддат 39 кунга қўзилиб, муаллифга ушбу ер майдони деҳқон ҳўжалиги учун ажратилганлиги сабабли бошқа ер танлаш ҳақидаги жавоб берилган.

Ушбу ҳолат юзасидан туман прокурори томонидан туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи С.Нарзуллаевага нисбатан интизомий жавобгарлик

Ҳушмамат БЕКМУРАТОВ,
Сариосиё туман прокурори ёрдамчиси

тўғрисида иш қўзғатилиб, кўриб чиқиш учун вилоят прокуратураси орқали вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасига юборилган. Мазкур қарор бош бошқармада кўрилиб, С.Нарзуллаевага хайфсан берилган. Шунингдек, 17-сонли мактаб ҳудудидаги бўш ётган ер майдонидан фуқаро А.Жабборовга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер ажратиш масаласи туман шаҳарсозлик Кенгашида кўриб чиқиш учун ҳавола этилиб, 2013 йил 26 мартда туман ҳокимига хат киритилган ва 2013 йил 29 март кунги туман ҳокимининг фуқаро А.Жабборовга "Сариосиё қишлоқ фуқаролар йиғини" Охунбобоев маҳалласи ҳудудидан тикувчилик цехи қуриш учун 0,15 га. ер майдони танлаш ҳақида"ги 237-сонли қарори қабул қилиниб, унинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

[Давоми 9-бетда]


Ишончини суиистеъмол қилмайлик

/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Ушбу мурожаат юзасидан олиб борилган текшириш ишлари натижасида аниқланган қонунбузилишлар ҳақида Жиззах вилоят прокуратурасидан қуйидагича жавоб олинди: "...Мазкур ариза юзасидан мутахассислар иштирокида Жиззах тумани Учтепа маҳалласида аҳолининг табиғий газдан бўлган қарздорлиги хатловдан ўтказилганда, "Жиззахтумангаз" филиали мансабдор шахслари мансаб воқолатини суиистеъмол қилиб, 36 та хонадонга истеъмол қилмаган жами 41 млн. 273 минг сўмлик табиғий газни қарз сифатида қўшиб ёзиб, норел қарздорликнинг вужудга келишига сабабчи бўлишгани аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан "Жиззахтумангаз" филиали мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми ва 205-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бориш учун Жиззах туман прокуратурасига юборилди".

Айрим фуқаролар мурожаатлари юзасидан тахририятга бериладиган жавоб хатларидан маълум бўладики, баъзан аризаларни қўриб чиқиш жараёнида унда айтилганидек, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилмаган, ақсинча, улар ўз ҳуқуқларини тўғри англаб етмаганликларидан ҳам аризалар қўрилган бўлади. Масалан, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидан фуқаро М.Туркмановнинг фарзандига нафақа тайинланмаётганидан шикоят қилиб тахририятга ёзган аризасини олайлик. Унда фарзандига 2 ёшгача бўлган нафақа пулини тайинлашларини сўраб ёзган аризаси эътиборга олинмаганлигидан шикоят қилинган. Ушбу ариза юзасидан Қашқадарё вилоят прокуратурасидан олинган жавоб хатидан маълум бўладики, М.Туркмановнинг турмуш ўртоғи М.Ахмедова 2011 йил ноябрь ойида "Қумдарё" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси номига 2011 йил 30 сентябрда туғилган фарзандига нафақа тайинлаш учун ариза билан мурожаат қилган. Ушбу ариза фуқаролар йиғини ҳузуридаги комиссия томонидан қўриб чиқилиб, М.Ахмедовага 12 ой муддатга 2 ёшга доир нафақа тайинланган.

Комиссия қарори асосида М.Ахмедовага 2011 йил ноябрь ойидан 2012 йил ноябрь ойига қадар 1 339 550 сўм ҳисобланиб, тўлиқ тўланган. Бироқ, М.Ахмедованинг фарзандига 2 ёшгача нафақа тайинлаш тўғрисидаги 2013 йил февраль ойи ҳамда 2013 йил 1 апрелда фуқаролар йиғинига қилган мурожаатларида аризага мурожаат этувчининг имзоси қўйилмаганлиги, қолаверса, фуқаролик паспортининг амал қилиш муддати ўтганлиги ва оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотларнинг тақдим этилмаганлиги боис рад этилган. Комиссия томонидан мавжуд камчиликларни бартараф этиб, қайта мурожаат эти-



ши тушунтирилган.

Тақдир тақозоси билан ажрашган оилаларнинг алимент ундириш ва тўлаш тўғрисидаги, иш ҳақининг ўз вақтида берилмаслиги, ноҳақ ишдан бўшатилганлиги, ёшга доир тайинланган пенсия миқдорининг камайтирилиши, суд қарори ва унинг ижроси таъминланмаслигидан норозилик, мактаб ва коллеж директорларининг ҳамда маҳалла оқсоқолларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари, оилавий низолар, уй-жой ва ер масаласи юзасидан бўлган турли низолар ариза ва шикоятларнинг доимий мавзусини ташкил этади. Масалан, фуқаро Р.Худойназарова тахририятга мурожаат қилиб, унга нисбатан тайинланган пенсия миқдорининг асоссиз камайтирилганлиги хусусида шикоят қилган. Ушбу ариза юзасидан Бош прокуратура томонидан берилган жавоб хатига қуйидагилар айтилади: "...Аниқланишича, Р.Худойназарова 1954-1985 йилларда Урганч туманидаги "Пахтакор" жамоа ҳўжалигида ишлаб, 1986 йилда ёшга доир пенсияга чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи асосан мутахассислар томонидан 2011 йилда ўтказилган текширишда Р.Худойназаровага 5,8 млн. сўм ортқича пенсия тўланганлиги аниқланиб, тўланаётган пенсиядан 50 фоизини ушлаб қолиш ҳақида қарор қабул қилинган. Ушбу қарорни қабул қилишга пенсия олувчининг 1978-1982 йилларда пилла етиштирганлиги учун ҳўжаликдан олган иш ҳақлари пенсия тайинлашда нотўғри ҳисобга олинганлиги асос қилиб олинган. Бироқ, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 32-моддасида пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган иш ҳақида қонун ҳўжатларига мувофиқ сўғурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар қўшилиди, деб қўрсатилган.

Шу боис, аризани текшириш давомида Урганч туман пенсия тайинлаш комиссиясининг 2011 йил 18 октябрдаги қарорининг Р.Худойназаровага ортқича тўланган пенсия миқдорининг 50 фоизини ушлаб қолиш тўғрисидаги қисмини бекор қилиш ҳақида протест келтирилди."

Юқорида айтиб ўтганимиздек, алимент ундириш ва тўлаш масаласи муаммолари аризаларнинг доимий мавзусидан бири бўлиб қолган. Масалан, Навоий вилоятдан фуқаро М.Худойназарованинг аризасига тўхталадиган бўлсак, унда Нурота туман ФХД бўлими ходимлари аризачининг қизи Райхонанинг фамилиясини Нуриддинова деб ўзгартаришга қаршилик қилишаётгани ҳамда собиқ турмуш ўртоғи Н.Хасановнинг алимент тўламасдан келаётгани ҳақида шикоят қилинади. "Мазкур ҳолат ўрганилганда, — дейилади Навоий вилоят прокуратурасининг тахририятга берган жавоб хатида. — М.Худойназарованинг қизи Марсова Райхонанинг фамилиясини Нуриддинова қилиб ўзгартаришга унинг отаси Н.Хасановнинг розилиги бўлмагани учун туман ФХД бўлими томонидан бу ҳаракат қонун талабига зид деб топилди, рад этилган. Чунки, Оила кодексининг 28-моддаси ҳамда Адлия вазирлигининг 22.04.2006 йилда 1564 рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўйриқнома талабига кўра, 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг исми ва фамилиясини ўзгартаришга ота ва онанинг биргаликдаги розилиги олиниши шартлиги белгиланган.

Фуқаро М.Худойназарованинг турмуш ўртоғи Н.Хасановнинг алимент тўловларини тўламасдан келаётганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганилганда, Н.Хасанов суд қарорига асосан М.Худойназаровага тўлаши лозим бўлган 1 млн. 942,3 минг сўмлик алимент тўловларини қасддан тўламасдан келаётгани аниқланиб, туман прокуратураси томонидан унга нисбатан 2013 йил 24 майда ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориш учун туман ИИБга юборилган.

Мурожаат қилишдан фойдаланиш бизнинг конституцион ҳуқуқимиз. Бироқ, бу ҳуқуқимиздан тўғри фойдаланмаслик, айниқса, мақсадга тўғри йўналтирилмай "аноним" қилиб ёзилган аризалар ҳақида таъкидлаб келинаётган оворагарчиликларга сабаб бўлади, холос. Масалан, жорий йилнинг март ойида яшаш манзили Андижон вилояти Бўз тумани Янги турмуш маҳалла фуқаролар йиғини дея

қўрсатилган М.Ташбоева исмли фуқаронинг тахририятга ёзган имзосиз хатини олайлик. Унда муаллиф 2-гурӯх ногирони сифатида нафақа олишини, нафақа пуллари эса оғирнинг 25-30 саналарида тарқатилаётгани, шу билан бирга, нафақа пулининг 10 фоизи мажбурий тартибда коммунал тўловлар учун ушлаб қолинаётганлиги ҳақида шикоят қилган. Ўзининг ногиронлиги ва ҳали турмушга чиқмаганлиги сабабли яшаш манзили ва исм-шарифини ошкор этолмаслиги таъкидланган ушбу ариза Андижон вилоят прокуратурасига юборилди.

Ушбу мурожаат юзасидан олиб берилган текшириш натижалари ҳақида вилоят прокуратурасининг тахририятга берган жавоб хатида ариза муаллифи бўлими М.Ташбоева исмли шахснинг аниқланмаганлиги маълум қилинади. "...Почта хатжилдининг муқовасида муаллифнинг исми-шарифи "Ташбоева Матлуба", юбуровчининг манзили "Андижон вилояти, Бўз тумани "Янгитурмуш" деб қўрсатилган. Шу сабабли Бўз туман прокуратураси томонидан аризани ўрганиш давомида тумандаги "Янги турмуш" МФЙда яшовчи фуқаролар ўрганилганда, Ташбоева Матлуба исмли шахснинг яшамаслиги ва рўйхатда ҳам турмаслиги аниқланган.

Ушбу ҳудудда яшовчи 2-гурӯх ногирони ва ногиронлик нафақасини олувчи фуқаролар билан суҳбат ўтказилганда, нафақа тўлинишда узилишлар ёхуд коммунал тўловлар учун мажбурий пул ушлаб қолишлар бўлмаслиги, шунингдек, бу ҳақда ҳеч қарга ариза билан мурожаат қилмаганликларини билдирилган.

Мурожаатни ўрганиш давомида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими, туман почта алоқа тармоғидан олинган маълумотларга кўра, нафақа олувчилар рўйхатида Ташбоева Матлуба исмли фуқаронинг мавжуд эмаслиги қўрсатилган. Бундан ташқари, "Ташбоева Матлуба" исми-шарифига янада аниқлик киритиш мақсадини рўйхатда олиб бўлими орқали текшириб қўрилганда, "Дармонқулола" МФЙ ўраимида яшовчи 1974 йил 27 сентябрда туғилган Ташбоева (Сайидова) Матлуба Нўмоновна исмли шахснинг мавжудлиги, у 1993 йилда Ё.Ташбоевага турмушга чиққанлиги ва ногирон сифатида рўйхатда турмаслиги ҳамда ногиронлик нафақасини олмаслиги маълум бўлди.

Ушбу мурожаат имзоланмаганлиги ҳамда хатжилд муқовасида ёзилгани каби Ташбоева Матлуба исмли шахснинг аниқланмаганлиги боис, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан аноним деб топилди, иш юриштидан тугатилганлигини маълум қиламан". Бу каби имзосиз ҳамда тасдиғини топмаган хатлар рўйхатида манзили Хива тумани Элтузар Иноқ кўчаси 10-уй деб қўрсатилган

Маъмура ДУСИЯРОВА,
«Huquq»

фуқаро С.Абдуллаеванинг қизини алдов йўли билан Россия Федерациясига ишга юборган Ф.Иброҳимова ва унинг турмуш ўртоғига чора қўрилмаётгани ҳақидаги аризасини ҳам киритиш мумкин. Тахририятга берилган жавоб хатида кўра, аризада қайд этилган манзилда "Сорабиби Абдуллаева" исм-фамилияли аёл эмас, балки 1961 йилдан буюн фуқаро О.Исмаиловнинг яшаб келаётганлиги аниқланган. Шунингдек, Хоразм вилоят прокуратураси олиб борган ўрганишда Хива тумани ҳудудида 3 нафар "Сорабиби Абдуллаева" исмли аёлнинг яшашни аниқланиб, улардан ҳеч бирининг қизи Россия Федерациясига ишлаш учун кетмаганлиги ва "Ф.Иброҳимова" исмли аёлни танимасликларини тушунтириш хатларида айтишган. "С.Абдуллаева" исмли аёл номидан тахририятга йўлланган ариза имзосизлиги ва яшаш манзили тўғрисидаги маълумотларнинг қўрсатилмаганлиги сабабли Хива туман ИИБ томонидан аноним деб топилган.

Халқимизда «Айтсанг қўрма — кўрсанг айтама», деган нақл бор. Нисбатан бўлса-да, ушбу нақлнинг маъносини "М.Ташбоева" ҳамда "С.Абдуллаева"лар каби ўзга исм остида ариза ёзувчи ёхуд ёзмоқчи бўлган фуқаролар яхшилаб ўзлаштириб олсалар фойдадан холи бўлмасди. Ваҳоланки, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи тартиби берилган бўлиб, унда: "Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак" дейилади. Шунингдек, фуқаронинг ғайриқонуний хусусиятдаги ариза, тақдир ёки шикоят берганлик учун жавобгарлиги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 26-моддасида белгилаб қўйилганлигини ҳам унутмаслик лозим.

Инсоният табиатига хос бўлган ишонч туйғуси орқали қилишлар ўртасида кўзга қўринмас ришлатлар, ўзаро муносабатлар юзага келар экан, инсон инсон учун ҳамиша елкадош, ҳамдард, энг асосийси беихтиёр қўмақдош бўлишга чоғланади. Қиссадан ҳисса шуки, "М.Ташбоева", "С.Абдуллаева"лар ҳам аллоҳа Фаробий айтганидек, олий даражадаги етукликка эришмоқликка эмас, балки биргина кундалик ҳаётидаги камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун ҳам инсонлар жамоасига эҳтиёжи борлигини жуда яхши билади, деб ўйлаймиз... Одамлар қалбидаги беқийс қадриятлар, айниқса, ишонч туйғуларини аноним аризалар қилгани каби ўзгалар меҳнати, вақтини синаш, ишончини суиистеъмол қилишдек салбий ҳаракатларга дуч келмаслигини истардик.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш йўлида

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши ўз мазмун-моҳияти билан жамиятимизни демократлаштириш ва ислох этишнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу дастурий ҳужжат асосида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислох этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилиги ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштириш бўйича тарихий аҳамиятга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Концепцияда Ўзбекистонда қадим замонлардан буйён ўзини ўзи бошқариш ижтимоий тузилмасининг ноёб шакли бўлган маҳалла институтини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Таъкидлаш жоизки, юртимизда юз йилликлар мобайнида маҳалла орқали ижтимоий фикрни ўрганиш, жамоатчиликни жиёлаштиришнинг ўзига хос усули шаклланиб, у миллий ўзлигини, ҳалқимизнинг маънавий қадриятларини сақлаш ва бойитишга хизмат қилиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида маҳаллани ривожлантириш, унинг роли ва ваколатларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, маҳаллани ўзини ўзи бошқаришнинг ҳақоний институтига айлантириш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Чунинчи, 1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши билан бизнинг миллий давлатчилигимиз тарихида ilk мартаба маҳалла конституциявий институт мақомига эга бўлди. Асосий Қонунимизнинг

32-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Конституциянинг 105-моддаси эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Унга биноан, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярым йил муддатга раисни (оксоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланиши кўрсатилган.

Мазкур конституциявий нор-

малар "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ривожлантирилган. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий макомини, фуқаролар йиғинини шакллантириш ва чақириш тартиби, улар фаолиятининг иқтисодий ва молиявий асослари, ваколатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилмаси ва улар ишини ташкил этиш тартиби белгиланди. Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги нормалар бир қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Ўтган давр мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2010 йил 12 ноябрда парламент палаталарининг қўшма мажлисида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да баён этилган қонунчилик ташаббуслари муҳим қадам бўлди.

Концепцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг 23 апрелида қучга кирган янги тахрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг мантикий давом бўлди.

Ушбу қонун билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган

оилалардан бўлган ёшларга, шу жумладан, уларга никоҳ тузишда ва тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва вояга етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлабдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бўйича ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Фуқаролар йиғини кенгаширишга аҳолини, хусусан, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган кам таъминланган оилалар, ёлғиз кекса фуқароларни, пенсияонерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларнинг ишга жойлаштиришга, уларнинг ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек, ҳунармандларга бириктирилишига қўмаклашиш бўйича қўшимча ваколатлар берилди.

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хусусий тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш бўйича нормаларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этиш ваколати берилди. Шунингдек, давлат органларининг маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қўмаклашиши, маслаҳат марказлари ўз вазифаларини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда бинолар бериши белгиланди.

Маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган, тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосларини ўргатиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этиши, шунингдек, уларга тадбиркорлик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот бериши кўзда тутилмоқда.

Фуқаролар йиғинига тегишли ҳудуд доирасида жойлашган (яшайётган) тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар олинишида белгиланган тартибда кафил бўлиш ҳуқуқи берилди.

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги функцияларини яна-

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
бўлим бошлиғи, юридик фанлар
номзоди
Шерзод ДЕҲҚАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти етакчи
илмий ходими

да кенгайтириш бўйича муҳим ҳуқуқий нормалар белгиланди. Шу мақсадда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қўшимча ваколатлар берилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоат назоратини амалга оширишга доир тегишли чоралар қўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш, давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш, ҳар чорада ижро этишчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитишлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонун билан давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда қўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўзи вақтида чора-тадбирлар қўриши шарт эканлиги белгиланди.

Қонун шунингдек, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмасининг ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолиятини такомиллаштиришга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мулкнинг кафолатларини таъминлашга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашиш шакллантириш тартибини белгиллашга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор ҳуқуқий нормаларни қўзда тутди.

Умуман олганда, таъкидлаш жоизки, концепцияда илгари сурилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид ғояларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантиришга, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга, шунингдек, маҳаллани жамоатчилик назорати тизимидаги функциясини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қўрилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгиллашда қонунбузилиш, бюрократик тўсиқликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғирқ қилишингиз мумкин.

№	Прократура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадар вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини қўндалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

«Метро» ортидаги ўйинлар



Дунё давлатларининг ер ости транспорти билан пойтахтимиз метросини таққослайдиган бўлса, бизники ҳар томонлама экологик тоза ва озодаллиги билан ажралиб туради. Мустакам ва сифатли қурилган мазкур иншоот пойтахт аҳолисининг кундалик ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бунинг боиси, уларнинг аксарият қисми айнан ушбу транспорт тури хизматидан фойдаланишни маъқул кўради. Ер ости транспортга бўлган талабнинг юқорилигини эса унинг йўловчиларни деярли бир зумда манзилга етказиши, поездларнинг аниқ ва ишончли ҳаракат қилиши, хизмат кўрсатиш маданиятининг юқорилиги, шунингдек, бекатлар ҳамда поездларда тартибга қатъий риоя қилиниши билан изоҳлаш мумкин. Шунинг учун ҳам, метро кунига тахминан 180-200 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатар экан.

Ҳар кун катта ҳажмдаги вазифини ўз зиммасига оладиган бундай корхонанинг харажатлари ҳам ўзига яраша катта бўлиши табиий. Буни қарангки, "Тошкент метрополитени" давлат унитар корхонасининг собиқ раҳбари Бахтияр Садиқов бу харажатларни "ўз саяёҳаракатлари" билан янада катталаштириб юборган экан. Собиқ раҳбар ўринбосари Исмоил Баҳодиров билан метрополитен корхонасига олиб келинаётган эҳтиёт қисмларни сотиб олишда турли "ўйин"лар қилиб, корхона маблағларини талон-торож қилишган. Жумладан, Б.Садиқов ва И.Баҳодировлар томонидан "Тошкент метрополитени" ДУК тизимидаги корхоналар учун эҳтиёт қисмлар ва товар-моддий ашёлар харид қилиш низоми остида "Slotex", "Regenerate", "Sab-Mobile" каби 25 дан ортқ МЧЖлар билан шартнома тузилиб, 2010-2012 йиллар давомида мазкур МЧЖларнинг ҳисоб рақамларига 1 млрд. 203 млн. сўмдан ошқ пул маблағлари ўтказиб берилди ва шартно-

малар бўйича товар-моддий ашёлар хариди юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатларга сохта маълумотлар киритилди. Яъни улар шартномалардаги харид қилинаётган маҳсулотларни бозор баҳосига нисбатан анча юқори нархда белгилаб, натижада 271 млн. 251 минг сўм миқдордаги маблағни МЧЖлар ҳисоб рақамига ортқча кириш қилиб, ушбу пуллари растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиб юборишди.

Ноқонуний пуллардан яхшигина "даромад" топган раҳбар билан ўринбосарнинг кингирликлари бугина эмас. "Тошша-хартрансхизмат" уюшмасининг 2006 йил 27 ноябрдаги "Товар-моддий ашёларни харид қилиши тартибга солиш тўғрисида"ги буйруғига асосан 2006 йил 1 декабрдан бошлаб уюшма таркибига кирувчи корхоналар томонидан импорт бўйича олинладиган товар-моддий ашёларнинг фақат "Траст-таъминот" МЧЖ орқали харид қилиниши белгиланган. Бу эса Б.Садиқов ва И.Баҳодировлар учун яна бир қулайлик яратди. Ахир бир неча МЧЖлар билан майдаллашиб ўтиргандан кўра, биттаси билан улгуржи ишлаш осон-да!

Хуллас, "Тошкент метрополитени" ДУК билан "Трасттаъминот" МЧЖ ўртасида 2008 йил ва 2009 йилда умумий нархи 2 млрд. сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланади. Унча хари-дор ва сотувчи ўртасида харид қилинаётган эҳтиёт қисмларнинг нархлари тегишли тартибда ўзаро келишиб олинган эди. Ушбу шартнома ижросини таъминлаш мақсадида МЧЖ 2009 йилнинг охирида буюртма бўйича маҳсулотларни келтириб, божхона расмийлаштиру-

Мирағлам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
биринчи ўринбосари

видан ўтказди ва 2010 йилдан "Тошкент метрополитени" ДУК тизимидаги корхоналарга етказиб беришни бошлади. Б.Садиқов эса 2010 йилда юқорида келтириб ўтилган шартномага қўшимча келишув қилиб, яна 4 млрд. сўмлик шартномага имзо чекади. Келтириб берил-ётган маҳсулотларнинг нархлари эса раҳбарни қизиқтирмайди. Ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлиб, маҳсулот нархларининг ҳақиқийлигини текширмасдан уларни қабул қилиб олаверади. Натижада маҳсулотлар ўзининг ҳақиқий баҳосидан 703 млн. 23 минг сўм қиммат нархларда харид қилинади. Харидлар учун эса ДУК томонидан МЧЖга 3 млрд. 372 млн. 330 минг сўмдан ортқ маблағ ўтказиб берилди. Аниқланишича, етказиб берилган эҳтиёт қисмларнинг бозор қий-мати аслида, 2 млрд. 669 млн. 307 минг сўмни ташкил қилган.

Б.Садиқов ва И.Баҳодировларнинг қилишларини атроф-лича кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди уларга нисбатан тегишли жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди. Жиноятга жазо муқаррар деб бежиз айтишмаган. Қонундан четта чиққан, албатта, жазосини олади.

Мухтасар қилиб айтганда, пойтахтимиз метрополитенининг асосий вазифаси — йўловчиларга юқори савияда хизмат кўрсатиш, уларни ўз манзиллари-га ишончли ва хавфсиз етказиш, қатновлар мунтазамлигини таъминлашга қаратилган. Ана шу мақсадда давлатимиз томонидан ажратилаётган маблағлари талон-торож қилиш-га эса ҳеч қимнинг ҳақиқи йўқ.

Улуғбек Кушқаров ўрта-маҳсус маълумотга эга, оилали, бир нафар фарзанднинг отаси.

Зарар қопланди, жарима тайинланди

Мукаддам Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси-

нинг 3-қисми, 189-моддасининг 3-қисми, 190-моддаси 2-қисмининг "б" банди билан айбланиб, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2009 йил 22 октябрдаги ахирмига асосан унга нисбатан юритилган жиноят иши 2009 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустқилилиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорнинг 7-бандига кўра ҳаракатдан тугатилган эди. Аммо кейинчалик унинг яна бир қатор жиноятлари фож этилди. Жумладан, у 2006 йил 26 декабрдан "Qatron" суфий баркамолик илм маскани раҳбари лавозимида иш бошлади. 2008 йил 18 сентябрда эса Жиззах шаҳар ҳокимининг 1055-сонли қарори билан ушбу илм масканини ташкил қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинади. Лекин шунга қарама-сидан У.Кушқаров иш фаолиятини давом эттирди.

Маъжур илм маскани қошида бўлган Жиззах шаҳар, Сангзор маҳалласи, О.Азимов кўчасида жойлашган 2,1 гектар ер майдонига эга бўлган "Спорт мажмуаси" биноси 2006 йил 25 декабрдаги шартнома билан "Ясавий Туркистон" халқ таъбаоти марказидан ҳади қилиниб, Жиззах шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматидан 2007 йил 8 январда У.Кушқаровнинг номига хусусий мулк сифатида расмийлаштирилди. Лекин 2006 йилдан 2010 йил июль ойига қадар бўлган даврда пеняси билан жами 19 млн. 836 минг 700 сўмлик мол-мулк солиқ тўловлари ҳисобланган бўлиб, У.Кушқаров ушбу тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлайди. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-, 272-моддалари талаблари қўпол равишда бузилади.

Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 4 декабрдаги

Клара ЯКУБОВА,
Жиззах вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

13-2Т13955-сонли ҳатида: "Мол-мулк солиғи бўйича Солиқ кодексига фақат юридик шахслар ихтиёрида ва фойдаланишида бўлган мол-мулклар бўйича бундай имтиёзлар назарда тутилмаган", деб кўрсатилган бўлса-да, У.Кушқаров турмуш ўртоғи Н.Кушқарова билан келишиб, Давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳисобланган мол-мулк солиғини тўлашдан қочиш мақсадида расмий ҳужжат ҳисобланган Давлат солиқ қўмитасининг юқоридаги ҳатини сохталаштиради. Яъни "Солиқ кодексининг 269-моддаси 2-қисмида "маданый ва санъат таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий-таъминот соҳасига қарадиган ижтимоий-маданый соҳа объектларига мол-мулк солиғи олинмаслиги кўрсатилган", деб сохта ёзувлар киритиш билан юқоридаги хат мазмунини ўзгартириб, қалбақлаштиради ва ҳатни ўзининг илм маскани номидан Жиззах шаҳар Давлат солиқ инспекциясига тақдим этиб, қўп миқдорда мол-мулк солиғи тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлайди.

У.Кушқаров қонуний жазодан қочиш қутула олмади. Унинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари фож этилган, иш бўйича Жиззах шаҳар ДСИга етказилган моддий зарарни тўлиқ қопланди. Бунинг устига суд ҳукмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз элик бававри миқдорида жарима билан "сийланди". Шу билан бирга, 3 йилга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда барча давлат ташкилоти, корхона ва муассасаларида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Инсонлар ўртасидаги ишонч туйғусини сунистеъйол қилиш йўли билан мол-дунё орттиришга интилувчилар барча замонларда ҳам бўлган. Аммо, бугунги шимолда ва тез суръатларда ривожланиётган, шунга мос тарзда одамларнинг ҳою ҳаваслари ҳам орттириб бораётган замонда фирибгарликка мойил одамлар кўпроқ учраётгандай туюлади.

Фирибгарнинг пешонасига "фирибгар" деб ёзиб қўйилмаган, албатта. Аммо ўша қимсаннинг гаразли ниятини тушуниб олиш учун инсонга фаҳм, ақл-идрок берилган. Ўз ҳуқуқини яхши билган, ҳуқуқий саводхон киши ниманинг қонунга тўғри келиши ва ниманинг эгд келишини дарҳол англайди. Ноқонуний иш учун жавобгарлик борлигини тушуниб етди. Фирибгар ёки товламачининг тўғрига ҳеч қачон илинмайди. Афсуски, одамлар орасида фирибгарнинг ёлғон ваъдаларига ишониб, алданиб қолаётганлар оз эмас. Куйида иккита ҳаётий мисолни келтириб ўтамиз.

Ўзингга эҳтиёт бўл...

Анчадан буён Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига бориш иш-лаш ниятида юрган ҳамшаҳримиз Жаваҳир Миржалолов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қандай қилиб фирибгарнинг тузоғига тушиб, бошга шунча гавго орттириб олганига ўзим тушунолмай юрибди. Ўтган йили интернет тармоғида Дубай шаҳрига бориш истагида бўлганларга хорижга чиқиш учун рўхсат (виза) олиб беришда ёрдам берилиши ҳақидаги хабарни ўқиб, ҳаловати йўқолди ва тез орада ушбу хабарни тарқатган Ортик Ҳалимовни излаб топди.

Турган гапки, О.Ҳалимовни ўз оёғи билан келган ўлжани қўлдан чиқармайди ва тегишли идоралардаги мансабдор танишлари орқали виза қилиб беришини, фақат бунинг учун 5 минг АҚШ доллари талаб этилишини айтди. Ж.Миржалолов илтимос қилаверганидан сўнг, нархни бироз туширади. Шундан сўнг, О.Ҳалимовнинг фирибга лақақ тушган Ж.Миржалолов 4 минг 600 АҚШ долла-

рини унинг уйига олиб бориб беради.

Орадан кунлар, ойлар ўтса ҳамки, ваъда қилинган виза тайёр бўлмайди. Алданганини тушуниб етган Ж.Миржалолов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилишдан бошқа чора топа олмади.

Иккинчи ҳолатда ҳам шунга ўхшаш вазиятни кўрамиз. Ақмалжон Сулаймонов бир неча фуқарони алдаб, гўёки Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида ишлайдиган мансабдор таниши борлиги, агар ўша танишига 3 минг АҚШ доллари миқдорига пора берилса, ўша юртга ишга юбориши мумкинлиги ҳақидаги чўпчигаги ишонтира олган.

Хорижда ишлаб, жарақ-жарақ пул топиш орузида юрган ҳамшаҳарларимизнинг ўзлари уни қидириб топиб, 3 минг АҚШ долларини қуртдаги санаб бераверилган. Оқибатда сўраб-суриштирмай, қимларгадир пора бериш учун тикилган бу пуллар "қулгоғини ушлаб кетаверган". Фирибгарлик йўли билан 24 минг АҚШ

Абдумалик АБДУЛЛАЕВ,
Учтепа туман прокуратураси катта
терговчиси

долларини қўлга киритган А.Сулаймонов эса анча вақт яшириниб юрган.

Фирибгарни топиш, пуллари қайтариб олиш имконини тополмаган жабрланувчилар охири-оқибат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилишга мажбур бўлишган.

Суд ҳукми билан фирибгарлар тегишли жазоларини олишди. Аммо масаланинг бошқа жиҳати ҳам эътибор қаратиш ҳоиз: ҳар икки ҳолатда ҳам жабрланувчиларнинг ўзлари фирибгарлик жинояти содир этилишига шароит яратилган.

Хулоса ўрнида айтганда, фирибгарга алданмаслик учун, ҳар доим тўғри ва қонуний йўлни таллаб олмоқ, қолаверса, бироз ҳушёрроқ бўлиш ҳам талаб этилади.

Ниқоб остида



Истиқлол ато этган имкониятларнинг чек-чегараси йўқ. Дунё эшикларининг ҳалқимиз учун кенг очилгани, юртошларимиз нафақат она диёримизда, балки дунёнинг исталган давлатида ўқиш ва ишлаш имкониятига эгаллиги шулар жумласидандир. Ушбу имкониятдан кенг фойдаланган кўплаб юртошларимиз жаҳондаги машҳур илм даргоҳларида таҳсил олоқчалар, чет давлатларда фаолият кўрсатиб, қўшма корхоналар ташкил қилмоқдалар.

Бирок, чет давлатларда фаолият кўрсатиб келган, ётганларнинг ҳаммаси ҳам конун талабларига риоя қиялтими? Улар қилаётган ишлар юрт шаънига муносибми?

Россия Федерациясининг Волгоград вилоятида ВВУТ "Ўзбек — Ватандошлар иттифоқи" (Волгоградская областная общественная организация "Союз Узбеков-Сотечественники") ташкилоти фаолият кўрсатиб келган. Ушбу ташкилот вице-президенти хоразмлик Дилбар Жуманиёзова эканлигини эшитган кишиларнинг бу аёлга ҳаваси келса керак. Демак, бу аёл ҳақиқий ватанпарвар, фидойи, юртошларимиз ҳақида қайғурувчи инсон экан-да, деган фикр кечадди ҳаёдан. Афсуски, ундай эмас. 1970 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган Россия Федерацияси фуқароси Рустам Жумаев раҳномалигидаги ушбу ташкилот кенг миқёсдаги жиноий фаолият билан шуғулланиб, босқинчилик, товланмачилик, фирибгарлик, талончилик, одам савдоси ва бошқа жиноятлари содир қилиб келган. 1974 йилда Қўшқўпри туманида туғилган Озод Махмудов, 1981 йили Урганч шаҳрида туғилган Умрбек Худойбергенов ҳам шу жиноий ғуруҳ аъзолари.

Дилбар Жуманиёзованинг номи Волгоградда анча машҳур экан. Боиси, у ВВУТ "Ўзбек диаспораси" (Волгоградская областная общественная организация "Узбекская диаспора") ташкилотининг ҳам фаолларидан. Ушбу ташкилотга 1949 йилда Тожикистон Озод Махмудов, 1981 йили Урганч шаҳрида туғилган Умрбек Худойбергенов ҳам шу жиноий ғуруҳ аъзолари.

"Молодцовские" жиноий уюшмасининг фаол аъзолари бўлиб, ушбу тўданинг учта ғуруҳга раҳбарлик қилганлар. Айтайлик, Х.Комилов, "Ўзбекистон-Россия Федерацияси" йўналишидаги ҳайдовчилардан ноқонуний "улуш" йиғилишини назорат қилса, Д.Жуманиёзова "Тракторний" бозорида Марказий Осиё давлатларидан бориб савдо билан шуғулланаётганлардан "улуш" олган. У.Саидхмедов эса Марказий Осиё давлатларидан Россия Федерациясининг Волгоград вилоятига одам ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилардан "улуш" йиғиш билан шуғулланган.

ВВУТ "Ўзбек диаспораси" ташкилоти ниқоби остида иш қўрувчи бу шахслар ўзга юртга насиба излаб борган ўз юртошларини қўлаб-қувватлаш ўрнига, турли йўллار орқали улардан пул ундириб келганлар.

Мисол учун, 2010 йилнинг апрель ойларида фуқаро Р.Давлетов Қ.Оллашукорова тегишли бўлган "Мерседес-Бенц" русумли микроавтобусда фуқаро Ж.Болтаевага тегишли йўловчиларни Қозғистоннинг Бейнеу туманидан Россия Федерациясига олиб кетаётган эди. Волгоград вилоятининг Ленинский тумани ҳудудида "Каптив" русумли автомашина микроавтобус йўлини тўсди. "Каптив" рулини аёл киши бошқариб келаётган эди. Аёл ва "Лёха" исмли шахс Р.Давлетовдан улуш талаб қилиб, улуш бермаса, отиб ташлашини ва унинг мурдасини ҳеч ким топа олмаслигини айтиб, таҳдид қилган. Бу аёл Дилбар Жуманиёзова эди. Орадан кўп ўтмай, талабни бажармаганлиги учун Р.Давлетов бошқарувдаги микроавтобус яроқсиз ҳолга келтирилган. Д.Жуманиёзова ғуруҳи шу мавсумда ҳайдовчи Б.Адамовга ҳам таҳдид қилиб, ҳар бир рейс учун 15 минг рублдан пул олган.

Ачинарлиси, Д.Жуманиёзова ўз жиноятига 1994 йилда туғилган ўғли Шерзод Бектурдиевни ҳам шерик қилган. Ўғли ва жиноий шериги С.Собиров билан бирга 2012 йил май ойларида хоразмлик фуқаролар А.Матни-

Камоладдин
ОЛЛАБЕРГАНОВ,
Хоразм вилоят прокурори
ёрдамчиси
Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,
"Huquq"

язова, Қ.Раҳимов, Ж.Жумабозов, Б.Матчанов, У.Матчанов, О.Матчанов, Ж.Абдуллаев, Ш.Худойбергеновларни ёллаб, фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, кул сифатида ишлатган.

Болтабой Саидабдуллаев ва Озод Махмудовлар Д.Жуманиёзованинг жиноий шериклари саналиб, улуш ундиришда уларнинг кўмагидан фойдаланиб келган.

"2012 йил 9 май куни Д.Жуманиёзова, Ш.Бектурдиев ва С.Собировлар "Каптив" русумли автомашинада келиб, Волгограднинг "Сади Придоня" деб номланган соқ заводиди иш борилини, ойига 300 АҚШ долларидан ойлик беришини, яшаш жойи ва озиқ-овқат текинлигини айтишди", — дейди жабранувчи Адолат Матниёзова. — Д.Жуманиёзова ўзини "Ўзбек диаспораси" бошлиғи деб таништиради".

Афсуски, Адолат алданганини кеч билди. Аллақандай дачада оғир шароитда яшаган ва 85 киши учун овқат тайёрлаш билан машғул бўлган аёлга жуда кам миқдорда иш ҳақи беришди.

"Ш.Бектурдиев бизга Россия Федерациясига келиб, яхши шароитда яхши яшадим ва ойлик маошларимнинг барчасини тўлиқ олдим, даввоим йўқ, деб тилхат берсангизлар, паспортларингизни оласизлар, деб айтди. Йўлкир пулларингиз бўлмаса, Ўзбекистонга олиб кетмайди", "Деншина" да ишлаб пул йиғинглар, деб 9 кишини аллақарга олиб борди", — дейди жабранувчи Баҳром Матчанов.

Афсуски, бу каби кўрсатмаларни, жабранувчиларнинг арз-долларини кўплаб келтириш мумкин.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Қарийб 14 йил давомида турли жиноий қилмишларни содир этиб келган Дилбар Жуманиёзова ва унинг шериклари қилмишлари учун суд олдида жавоб беришларига тўғри келди.

Бу каби воқеалар юртошларимизни яна бир қарра огоҳликка, ҳушёрликка чорлаши аниқ. Бугун дунёда "одам савдоси" номили жирканч жиноят кенг кулоҳ ёйган, не-не инсонлар унинг қурбонига айланган бир замонда, чет давлатга иш излаб кетаётган ҳар бир юртошмизни огоҳ бўлиши шарт. Аввало, юртимизда тадбиркорлиқни, оилавий бизнесни кенг йўлга қўйиш имкониятлари мавжуд бўлган, ёшлар учун кўплаб иш ўринлари яратилган бир пайтда, чет давлатдан ризқ излашнинг ўзи ноўрин. Шунда ҳам чет давлатда мўмай пул топаман, дегувчилар бўлса, улар ўз мақсадларини қонуний йўл билан амалга оширганлари маъқул. Мамлакатимизда бунинг учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Акс ҳолда Дилбар ва унинг ҳамтовоқлари каби фирибгарларнинг қўлига тушиб қолиш мумкин.

У гавжум гузарда, маҳалла чойхонасида атрофидаги одамларни назар-писана қилмаслигини, ахлоқ-одоб, тартиб-қоидаларни сариқ чақага олмаслигини, ўзининг "зўрлигини" кўрсатиб қўймоқчи бўлиб, намоийшкорона гап талашган улфатининг кўксига кабоб сихини тиқиб ола-ю, ҳеч нарса бўлмагандай уйига равона бўлади. Суя мажлисида дастлабки терговдаги каби айбига иқдор бўлиб кўрсатма берди.

Ичкилик касофати

Акмал МАВЛОНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Х.Зокиров жиноят содир этишга мойил шахслар тоифасидан бўлиб чиқди. У 34 ёшга киргунга қадар тўрт марта судланишга улгурган, 1 йилу 6 ойдан торттиб, 3 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазосига торттилган. Амнистия муносабати билан жазо муддатлари қисқартирилган ҳамда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштирилган, зоҳиран пушаймонлигини билдирса-да, лекин тавба-тазарру қилмаган. Маҳкум суд мажлисида тузалиш йўлига ўтиш учун имкон беришни сўраган, бироқ қамоқ жазоси ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилиб, кўкрагига шамол теккан заҳоти тагин теварак-атрофидаги гўё менсимай қараётгандай туюлган таниш ва нотаниш одамларга ўзининг "кимсан, фалончилигини", "зўрлигини" намоийш этиб қўйиш учун такорор жиноятга қўл ураверган. Сўнгги бор жиноят ишлари бўйича Қўкон шаҳар судининг ҳукмига кўра 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган, орадан бир йил ўтиб, жазонинг ўталмаган 1 йилу 11 ойи ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган, бироқ маҳкум тузалиш йўлига ўтгани туфайли яна озодликдан маҳрум этилган.

Х.Зокиров ниҳоят жазони ўтаб оиласи (бир нафар фарзанди бор) бағрига қайтади. Бирок, ўтмишдаги хатоларидан, нафсининг қўлига айланиб содир этган жиноий қилмишларининг асоратларидан ҳалос бўлиб бориш, ҳаётини қайтадан, покиза варақлардан бошлаш имкониятидан фойдаланиш ўрнига безорилик қилаверди. Ичиб олганида иззатталаблик қилиб улфатлари билан жанжаллашиши одатий ҳолга айланди. Навбатдаги улфатчилик чоғида назарида шишадошларидан бири уни беҳурмат қилди. Оқибатда...

Қишнинг дастлабки кўнлари эди. Қоронғу туша бошлаганида Х.Зокиров "исиниб" олиш истагига маҳалладоши Х.Раҳимовни излаб топди. У қўшниси Т.Содиқов билан "яримта"ни бўшатиб, ширақай бўлиб ўтирган эди. "Биз-гаям эрийсизми?" дейиши билан дўконга бошлади. Йўл-ўлакай уларга И.Мамазияев қўшилди. "Улфати чор, анда маза бор", дея Х.Зокировнинг укасига тегишли "Жигули" русумли автомобилнинг ичиди шишадаги ароқни бўшатди. Сўнгра Навоий мавзесида жойлашган дўконга бориб яна ароқ олиб, қўчанинг бошидаги чойхона тарафга юришди. Маҳалланинг чойхонасига кираверишда, кабоб кўрсатининг ёнида стол бўлиб, икки дона стули бор эди, ҳолос. Х.Раҳимов билан И.Мамазияев стулга ўтириб олишди. Собик маҳкум ва Т.Содиқов тик турганларича улфатчиликни давом эттиришди. Кабобпазга тўрт дона кабоб пишириб беришни буюришди. Шерикларининг жой кўрсатиш ўрнига ўзлари ўтириб олганлари Х.Зокировнинг нафсониятига тегди. Пиёладаги ароқни ютиб, кабобни газак қилиб олганидан кейин Х.Раҳимовни пасткашдан олиб пасткашга солди. Унинг ҳам кайфи тароқ эди, озғига келганини қайтармай сўкинаверди. Шериклари муроасага келтиришга уринишайётганида Х.Зокиров учи ўткир кабоб сихини ўрнидан туриб ҳаммага чоғланган Х.Раҳимовнинг кўксига санчиб олди. У кўксини чангаллаб, ҳушини йўқотди. "Тез ёрдам" қақришайётганида Х.Зокировнинг қораси ўчди.

Т.Содиқов билан И.Мамазияев жабранганни касалхонага олиб боришди. Бироқ кеч бўлган, Х.Раҳимов учи ўткир сихининг қоқ юрагига санчилиши натижасида олган оғир жароҳати туфайли ҳаётдан кўз юмди.

Шу тарика ичиб маст бўлганида иззатталаблик қилиб, теварак-атрофидаги одамларни назарига илмай, улфатларидан бири билан ўзаро жанжаллашиб, унинг жонига қасд қилган Х.Зокировга суд 16 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.



Оғу излаган жазо топади

Икки ойдан буён уйини таъмирлаш билан овора бўлган Мухаммад-илёс Ҳамдамов 2012 йилнинг 3 июнь куни бозор-ўчар қилиш учун Андижон шаҳридаги Эски шаҳар деҳқон бозорига борди-ю, хуморининг хуружга қаршилиқ қила олмади. Шу кунги қанадай йўл билан бўлса ҳам нафсини қондиришни мақсад қилди. Дастлаб қаерга боришни билмади. У ёқ-бу ёққа ўзини уриб қўриб, кўнгли тусганини тополмади. Шунда унга бир фикр келди. Авваллари ширакайф бўлиб юрганида Пахтаобод туманида ҳам бу оғуни топиш мумкинлигини эшитганди. Шу ўйда қўлидаги халталарини кўтарганча Пахтаободга йўл олди.



Султонбек ЮЛБАРСОВ,
Андижон вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Туман марказидаги автобекатда ишни қандай битказишни билмай узоқ турди. Соат чамаси 16:30 ларда у турган жой томон келаятган одам эътиборини тортди. Нотаниш кимса ақинлашганидан сўнг М.Ҳамдамов ўйлаб ўтирмай ёрила қолди.

— Ассалому алайкум, ака, яхшимисиз? — хумор кўтқуси сабаб дадиллик билан салом берди М.Ҳамдамов.

— Валейким...

Танасини аранг бошқариб турганиданок мастлиги билинган кимсадан спирт хиди анкиб турарди. Шунга қарамай, бу ҳолат наشاءанди умуман ташвишга солмади, у гапида давом этди.

— Ака, исмиим Илёс. Андижондан келсан, меҳмонман. Оғиримни енгил қилиб берсангиз, хурсанд бўлардим.

— Хў-ўп... Эшитаман. Қўлимдан келса, "любой" ишни бажараман. Биз ўғил бола... — деди ичиб олганда хўроз бўлиб кетадиган ҳамсухбат.

— Ака, ҳамма гап шу ерда қолади. Ҳозир роса наша хумориданман. Топишга ёрдам бериб юборинг.

— Ие... ука, нима, мени бироваг ҳўшатяпсанми?..

— Йўқ, ака, айтилман-у, ёпиғ қозон ёпиғлигича қолади. Ошиқча дахмазани менга ҳам

кераги йўқ. Пулини хоҳласангиз ҳозир бераман.

— Ҳимм... Яхши. Пулни берсанг, мен бир жойга ўтиб келаман. Сен шу ерда туриб турасан. Хўпми?

Кайфи ошган одам уни қалақа қилмокчи эканини тушуниб етган М.Ҳамдамов "йўғэй", дея барчасига қўл силтаб кетмокчи бўлди. Аммо...

— Хой, ука, яқинроқ кел.

М.Ҳамдамов унинг буйруғига итоат этди. Маст шериги атрофга бир назар солиб, паст овозда гапира кетди.

— Мен "Отабек" чойхонасининг эгасиман. Исмиим Музаффар. Ўзинг қўриб турибсан, ҳозир "сделка" қиладиган ҳолатдамасман. Эртага чойхонамга кел. Ўша ерда ишни битказамиз. Келишдикми?

— Хўп.

Икковлон шу тариқа хайрлашибди. Музаффар Нишонов уйига бориб, мизгиди. Кайфи бироз тарқалгач, хилват жой томон йўл олди. У ерда шифтнинг остига бир ой аввал тайёрлаб қўйилган наша яширинганди. Гиёҳванд моддани сотишдан аввал уни яна бир бор яқинлаб текшириб чиқди.

Аслида М.Нишонов укаси Отабек билан унинг номидаги чойхонани юритишарди. Бирок уч йил аввал укаси вафот этганидан сўнг барча ишни ўз

йўлига ташлаб қўйди. Бундан тахминан бир ой аввал эса рўзғор тебратиш борасида қийналгани учун овқатланиш муассасасининг фаолиятини қайта тиклаганди. Аммо ҳалол пул топишни ният қилганига атиги бир ой бўлмай туриб, яна қинғир ишларга аралашиб кетди. Боз устига, ичишни ҳам одат қилди.

М.Ҳамдамов эса эртаси кунни тонг саҳарда чанқаб турди. Аммо бу оби ҳаётга эмас, балки захри қотилга бўлган чанқок эди. Унинг нафси зудлик билан йўлга отланишни талаб қиларди ва М.Ҳамдамов бу талабга ўғулалгича ўтатиб кетди. Соат 9:00 ларда Пахтаободга борди. "Отабек" чойхонасини суриштириб топган, ичкарига кирди. Тонг бўлгани боис, одам кўп эмасди. М.Ҳамдамов кечаги гумаштасини тезда таниди ва уни қақирди.

— Музаффар ака, кечаги ишни битириб берасиз, деб келувдим, — деди у.

— Яхши, ука. Ҳозир, анави столда ўтириб тур.

М.Ҳамдамов бир четга ўтиб жойлашди. Айни чоғда янги ҳамтового ким биландир ташқарига чиқиб, гаплашаётганини кўриб турди.

— Столда ўтирганини кўряпсанми? — деди М.Нишонов шеригига. — У наша сўраб кеп-

ти. Ҳозир бориб, ундан юз "кўк"ини олиб келасан. Мен сенга нашани бераман. Кейин унга "товар"ни тутказасан. Тушундингми?

— Ҳа.

Бироздан сўнг унинг олдида М.Нишонов билан суҳбатлашиб турган кимса яқинлашди. У "харидор"га бироз тикилганидан сўнг мақсадга ўтиб кўя қолди:

— Наша бор экан...

Орага ўнгайсиз жимлик тушди. Бир-икки сония талмовсириб турган М.Ҳамдамов ниҳоят ундан нима талаб қилинаётганини тушунди. Қўлини чўнтагига солиб, пулни чиқарди.

М.Нишонов ва унинг шериги ташқарига чиқиб кетишди. Орадан ярим соатга яқин вақт ўтганидан сўнг наشاءанд сотувчилар мени чўв туширишди шекилли, дея ташвишга туша бошлади. Бирок тез орада ундан пулни олган кимса, яъни Музаффар Мамадалиев кириб келди-да, унинг ёнига ўтирди.

— Тўртта доза. Ҳар бири 90 мингдан эди. Лекин 70 га туширдик. Хуллас, берган пулнинг этди, — дея қўлларини стол остига қиритган ҳолда ялтироқ қоғозларга ўралган оғуни узатди.

М.Ҳамдамов уларни дастурмолига ўраб, жунаб қолди.

МАШЪУМ НИЯТ



Ичкилик охир-оқибат яхшиликка олиб келиши ёки умрни ўзайтириб, ақлга ақл қўйиши ҳақида ҳали бирон киши айтмаган ва айтолмайди ҳам. Чунки, спиртли ичимлик инсон танасига кирганидан кейин кишини қаерларга "етақлаб" бориш-ю, не балоларга гирифтор қилиши ҳақида ҳаётга жула ҳам мисоллар кўп. Бу мисолларнинг аксарияти ичкилик нафақат уни истемол қилувчининг, балки бошқаларнинг ҳам тақдирини ўзгартириб юбориши, ҳатто кимларнингдир умрига зомин бўлганини ҳам исботлаган.

Сакоки (исм-фамилиялар ўзгартирилган) улғайиб, болаларининг роҳатини кўриш вақти келганида ҳаёти ичкилик туфайли кескин ўзгариб кетиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаган бўлса керак. Унинг ичкиликка берилиши биринчи навбатда оиладаги тинч-тотувликка таъсир кўрсатиб, ичидан дарз кетишига олиб келди. Чунки, Сакоки ичиб олган кунни уйда, албатта, жанжал бўлар, бу ҳол турмуш ўртоғи Лавранинг калтак ейиши ҳамда эрининг хотинини ўлдирish ҳақидаги тахдид билан ақун топади. Шу сабабли, йигирма уч йиллик турмушдан кейин Лавра болаларини олиб онасиникига кетишга мажбур бўлди. Орадан уч йил ўтиб, уларнинг никоҳлари расман бекор қилинди. Лавра катта ўғли билан онасиникида, Сакоки эса ўз уйида кичик ўғли билан яшай бошлашди. Ён-атрофдагилар шу билан улар тинчиб кетишади, деб ўйлашганди. Бирок, бундай бўлмади.

Лавра кетиб қолганидан кейин ҳам Сакоки ўз билганидан қолмади. Спиртли ичимлик унинг яқин "дўсти" бўлиб қолавЕРДИ. Шундай кунлардан бирида кечки пайт ҳамтового билан кафеда учишга ароқни "бўшатган" Сакоки уйга келиши билан ухлаб қолди. Унинг уйқусини Ўроз исмли эски танишининг ярим кечаси қилган телефон қўнғирогИ бузди.

— Ярим кечаси безовта қилган ким? — ўдағайлади Сакоки.

— Сакоки кечирасан-у, лекин бунга мажбур бўлдим, — жавоб қайтарди Ўроз. — Бошқа иложим йўқ эди.

— Чайналмасдан гапирсанг-чи, — янада жиддийлашди Сакоки.

— Ҳаётингга аралашмокчи эмасман-у, лекин хотинингни уйимдан олиб кетмасанг бўлмайди.

— Нима, хотиним сеникида нима қилаёпти?

— Айтарли ҳеч нима, аммо у уйимда спиртли ичимлик ичиб... — Ўроз гапи-

ни тугатмасдан Сакокининг: "Турган жойингда қумирламай тур, ҳозир етиб бораман", деган тахдидли овозини эшитди.

Ярим кечаси бўлишига қарамасдан Сакоки ширин уйқуда ётган ўғли Айретни "Тур, онангни ярим кечаси нима ишлар қилиб юрганини ва унинг асл башарасини кўрсатаман", деб уйғотиб, кўчага олиб чиқди. Биринчи дуч келган автомашинани тўхтатиб, ота-бола Ўроз айтган "Астер-вилла" кафе-сини етиб келишди. Ўроз уларни қарши олиб, уйига бошлади. Сакоки ўғли Айретга уйда айтган фикридан қайтиб, қайнонасининг уйи шу яқин атрофда бўлганлиги учун уларникига киришни тайинлади. Сўнгра ўзининг ҳақлигини исботлаш мақсадида қайнона-Аркадийга телефон қилиб, ҳозир ярим кечаси бировнинг уйида ичиб ўтирган қизи Лаврани ўлдирishi, шунинг учун келиб, бунни ўз кўзи билан кўришини талаб қилди. Аркадий унинг бу каби гапларига қўнқиб қолгани учун эътибор қилмай, кўёвининг навбатдаги нағмаси деб ўйлаб, телефонни қўйиб қўйди. Аммо Аркадий Сакокининг бу тахдиди сўнгисига эканини ҳаёлига ҳам келтирмаганди...

Сакоки Ўроз билан унинг уйига кўтарилди. Ёшқини Ўрознинг хотини Нигора очди. Лекин Нигора саломлашиб улғурмасиданоқ Сакоки уни четга суриб, Лавранинг кулгуси эшитилаётган балкон томон йўл олди.

У ерда Лавра Нигоранинг сингисини Нозима билан ўтирган экан. Стол устида турган пиво ва бокаллар Сакокининг газабини баттар қайнатди.

Наргиза СУЛТАНОВА,
Мирзо Улуғбек туман прокурори ёрдамчиси

— Мен бераётган пуллар ҳали шунақа мақсадларга ишлатилаётгани, — дея ўшқириб, Лаврага кетма-кет мушт туширди. Лавра зарбалар қучидан ерга йиқилганидан кейин ҳам тинчланмай, стол устидаги пичоққа ташланди.

Шу пайт хонага Ўроз кириб келиб, Сакокига эсини йиғиб олишни айтди. Сакоки эса баттар газаб отига миниб, қўлидаги пичоқ билан ҳамла қила бошлади. Ўроз вазиятнинг жиддийлигини сезиб, уни маҳкам ушлаб олди. Бирок Сакоки агар уни ҳозирок қўйиб юбормаса, уларни ҳам Лаврага қўйиб ўлдирib юбориши мумкинлигини айтди. Шундан сўнг Ўроз Сакоки бунчалик тубанликка бормас, деган умидда уни қўйиб юборди-да, болалари ва қайсинглиги Нозима билан уйдан қайтиб кетди. Ташқарида бироз тургач, кўнгли ғаш бўлиб, яна уйига қайтиб чиқди. Лекин вазият у ўйлагандек эмасди — Лавра ерда қонга бўялган ҳолда ҳўшсиз ётарди.

Ўроз дарҳол тез ёрдамга қўнғирок қилди. Аммо Лавра касалхонага етиб бормасдан йўлда вафот этди.

Суд ҳукми ўқилиб, Сакокига узоқ муддатга озодлиқдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Аммо... Аммо ички туфайли асабини жиловлай олмай икки нафар фарзандини онасидан айирib, инсонийлик қиёфасини йўқотган Сакокининг дағдағасини навбатдан нағма деб ўйлаган ақилларнинг эътиборсизлиги бир инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига олиб келди.

Мурожаатлар қонуний ҳал этилиши шарт

/Давом. Бошланиши 3-бетда/

Текширишларда шунингдек, етарли даражада идоровий назорат йўлга қўйилмаганлиги оқибатида туман ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда бош мутахассис ходимлар томонидан ижро интизомининг бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланди. Жумладан, туман ҳокимининг ўринбосари Ж.Йўлдошев фуқаро А.Назаровнинг ногирон фарзандларига компьютер ажратиб беришда амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги 2013 йил 22 январдаги аризасини 10 кунга, З.Ҳўжамқулов ва Р.Ражабовларнинг нафақа пулини уларнинг розилигисиз пластик карточкага ўтказилганлиги ҳақидаги 2013 йил 25 январдаги мурожаатларини 6 кунга кечиктириб ҳал қилган. Фуқаро Б.Жалолов ва бошқаларнинг маҳалладаги савдо дўконларининг нарх-нависи ҳақидаги, А.Жалиловнинг турмуш

ўртоғи Л.Ҳамидова дипломини колледждан ололмаётганлиги тўғрисидаги, Ў.Усмоновнинг "Матиз" автомашинасини олишда ёрдам бериш ҳақидаги мурожаатларига қонунда белгиланган бир ойлик муддат ўтганлигига қарамасдан, жавоб бермасдан келган.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Ҳамраев ҳам 3 нафар фуқаронинг аризасини қонунда белгиланган муддатидан кечиктириб ҳал қилган, 4 нафар фуқаронинг мурожаатига эса қонунда белгиланган бир ойлик муддат ўтганлигига қарамасдан, жавоб бермаган.

Ҳокимликнинг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш мажмуаси бош мутахассиси Ж.Шоймардонов 4 нафар фуқаронинг аризасини қонунда белгиланган муддатдан кечиктириб ҳал қилган. 3 нафарининг мурожаатига қонунда белгиланган бир ойлик муддат ўтганлигига қарамасдан, жа-

воб бермаган.

Бундан ташқари, 2012 йилда келиб тушган 28 нафар, 2013 йилнинг 1-чорагида келиб тушган 12 нафар фуқаронинг мурожаатига жавоб тайёрланган бўлса-да, уларнинг яшаш манзилига юборилмаган. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига келиб тушган 40 та, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига келиб тушган 12 та, туман ички ишлар бўлимига келиб тушган 9 та мурожаат қонунда белгиланган ўн беш кунлик муддатдан кечиктириб ҳал қилинган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан Сарийосиё туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Ҳамраев, ҳоким ўринбосари Ж.Йўлдошев, туман ҳокимлиги бош мутахассиси Ж.Шоймардонов, суд катта ижрочиси Ф.Убайдуллаев, ижрочи Ж.Ҳайитов, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи

А.Бўронов, ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати мутахассислари Ж.Нарзуллаев ва С.Муродов, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори ва зифасини бажарувчи Ш.Қурбонваларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига асосан маъмурий ишлар қўзғатилиб, ҳуқуқбузарларнинг жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига келгусида йўл қўйилмаслигини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими ва тегишли вилоят назорат идоралари раҳбарлари номига тақдирномалар киритилиб, амалий чора-тадбирлар белгиланишига эришилди.

Халқаро ҳаёт

Маҳбуслар қочди

Суматра оролида жойлашган Индонезия қамқоҳонасида 150 нафарга яқин маҳбуслар қочиб кетган.

Маҳбусларнинг ўн уч нафари террористик фаолият учун судланган: Полиция берган маълумотларга қараганда, қамқоҳонада сақланганидан маҳбусларнинг умумий сони 2600 нафарни ташкил қилади.

Қочиш Медан шаҳридаги Шимолӣ Суматра провинциясида тартибсизликлар бошлангач юз берган. Қамқоҳона бошлиқларининг маълум қилишича, маҳбуслар қамқоҳонага ўт қўйишган, баъзи маҳбуслар эса қуролланишга ҳам эришган.

Маҳбусларнинг намоёишлари электр таъминоти узиб қўйилганлиги сабабли бошланган бўлиши мумкин, бундай ҳолат қамқоҳоналарда жуда кўп учраб туради, деб хабар беради ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари.



Хитой тўфон гирдобиди

Хитойнинг шарқда вайронакор "Соулик" супертўфони бўлиб ўтди. Оқибатда 86 киши ҳалок бўли, 800 минг киши жабрланган.

Синоптикларнинг сўзларига қараганда, мазкур ҳудудга 60 йил ичидаги рекорд даражадаги ёғингарчиликлар ёғди.

"Супертўфон" деб ном олган "Соулик" Тайван оролидан Хитойга ўтган. Ҳукумат офатнинг келишига олдиндан тайёргарлик кўрган. Қирғоқ бўйидаги Чжаэцзян ва Фуцзянь провинцияларида ярим миллиондан ортиқ киши эвакуация қилинган. 30 мингдан ортиқ кемалар денгиздан ортага қайтган. "Соулик" тўфони соатига 120 километрни ташкил қилган кучли шамол билан ҳаракат қилган.

Бунинг оқибатида туманларда транспорт ҳаракати узилган. Йўллар ювилиб, бир нечта асосий магистраллардаги ер ости йўллари ишдан чиққан. Қўчадаги тирбандлик юзлаб километрларгача чўзилди, одамлар улардан бир неча кундан бери чиқиб кета олишмапти.

Айни дамда тўфон бироз секинлашган, аммо синоптиклар янги ёғингарчиликлар ва сув тошқинлари ҳақида оғохлантиришмоқда.

Нью-Йорк жазирама исканжасида

Нью-Йоркдаги жазирама ҳаво ҳарорати 41 даражага кўтарилди. Американинг энг йирик шаҳридаги тропик иссиқ бир неча кундан буён давом этмоқда.

Бунинг оқибатида бу ерда инфаркт ва инсультлар сони кескин кўпайди. Нью-Йорк Авеню кардиологик марказидан хабар беришларича, юрак-қон томир касалликлари бўйича мурожаатлар сони айни кунларда икки бараварга ошган.

Ўтган куннинг биринчи яримида шаҳар клиникаларига инсульт ташҳиси билан 162 нафар бемор, яна 90 нафари ўткир инфаркт миокард билан мурожаат қилишди. Шифокорлар 21 кишининг умрини сақлаб қола олмадилар. Иссиқдан айниқса, қариялар ва мактаб ёшигача бўлган болалар азият чекмоқда.

Метеорологлар АҚШнинг шарқий соҳилидаги иссиқ ҳарорат август ойи ўрта-ларигача сақланиб туришини башорат қилмоқдалар.

Машҳур меҳмонхонада ёнғин

Парижнинг машҳур "Ламбер" меҳмонхонасида кучли ёнғин юзага келди.

Ёнғин чоршанбага ўтар кечаси тарихий бинонинг томида реставрация ишлари олиб борилаётган бир пайтда бошланган.

Мазкур иншоот 1640 йилда Парижнинг Авлиё Людовик оролида архитектор Луи Ле Во томонидан машҳур молиячи Жан-Батист Ламбер учун қурилган. Бу кўркам бино эгаларини кўп бора ўзгартирган. Унинг сўнгги эгаси сифатида Қатар амирининг укаси уни 60 миллион еврога сотиб олиб, қайта тиклашга қарор қилган эди.



Туғилажак фарзанднинг фойдаси

Британиялик экспертлар шахзода Уильям ва Кейт Миддлтонларнинг туғилажак илк фарзандларидан мамлакат олиши мумкин бўлган фойдани ҳисоблаб чиқишди.

Буюк Британия Кембриж герцог ва герцогиняси оиласида туғилажак фарзанддан тахминан 250 миллион фунт фойда олади.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, чакана савдо ҳажмининг ўсиши сувенирлар, болалар маҳсулотлари, DVD, китоб савдосида яқшол сезилади. Турли ичимликлар савдосидан тушадиган фойданинг ўзи 62 миллион фунтни ташкил қилиши мумкин. Бундан ташқари, Уильям ва Кейтнинг фарзанди туғилиши билан мамлакатга жуда кўп сайёҳлар ташриф буюриши кутилмоқда.

Британия иқтисодиётида бундай кўтарилишлар Уильям ва Кейт Миддлтоннинг тўлайри арасида, сўнгга қиролича Елизавета IIнинг 60 йиллик "юбилейи" арасида рўй берган эди.

Шахзода Уильям ва Кейт Миддлтонларнинг илк фарзандлари яқин кунларда туғилиши керак. Расман туғруқ кўни эълон қилинмаган бўлса-да, ушбу ҳодиса 16 июлдан кейин содир бўлиши тахмин қилинмоқда. Ҳали дунёга келмаган боланинг жинси эса сир сақланмоқда.



Семиз одамлар мамлакати


БМТнинг хабарига кўра, Мексикада семизликдан азият чекадиган одамлар бошқа ерлардан кўра кўпроқ эканлиги аниқланди.

Катта ёшдаги мексикаликларнинг салкам учдан бир қисми ёхуд 32,8 фоизи семизликдан азият чекаётган экан. Бу аҳолиси зич жойлашган АҚШдан ҳам кўпроқ, бу ерда ҳудди шу кўрсаткич 31,8 фоизни ташкил қилади. Учунчи ўриндан 31,6 фоиз билан Сурия жой олган.

БМТ ушбу ҳисоботида 2008 йилнинг маълумотларини ишлатган. Кейинроқ чоп этилган статистикага кўра, Мексикада семизликдан азият чекадиганлар сони бироз тушган ва 30 фоизни ташкил қилган.

Мексика ҳукуматининг расмий маълумотларига қараганда, бу ерда аҳолининг 70 фоизи ортиқча вазнга эга. Ҳукуматни ташвишга солаётгани эса, семиз болалар сонининг сўнгги ўн йилликда 8 фоизга ўсганидир.

Мексика ҳукумати семирлигига қарши курашиш кампаниясини бошлаган. Бунинг учун эса, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тахминига кўра, ўн йил давомида 15 миллиард доллар талаб қилинади экан.



Хитойнинг Шэньчжэнь провинциясида ўзининг машинасини сугурта пули учун 300 марта шикастлаган қаллоб қўлга олинди.

Мақсадли автоҳалокат

Унинг арзимаган йўл транспорт ҳодисаси уюштириб, эвазига сугурта тўловлари олиб кўн кўриши аниқланди.

2010 йилдан 2013 йилнинг май ойигача 42 ёшли товламачи 334 та сугурта тўловларини ўндириб, уларнинг эвазига 357 минг юан пул олган, ушбу ҳодисаларни у ҳар 3 куннинг бирида уюштирган.

Автосугурталар билан боғлиқ бўлган товламачиликлар Хитойда энг кенг тарқалган усуллардан бири ҳисобланади. 2012 йилда полиция жуда кўп йўл транспорт ҳодисасини уюштирган 95 кишидан иборат гуруҳни қўлга олган. Улар сугуртачилардан 13 миллион юан (икки миллион доллар) олишга муваффақ бўлишган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳаммуассислигида чоп этиб келаяётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журнаlining 2-сони нашрдан чиқди.

Журналнинг янги сони



"2013 йил — Обод турмуш йили" руқни остида чоп этилган Бухоро тиббиёт институти ўқитувчиси Хуршида Кенжаеванинг "Жамиятини модернизациялаш жараёнида аёлларнинг ижтимоий фаоллиги" мақоласида ижтимоий-сиёсий фаоллик жамият ва давлат қурилишига оид масалаларни ҳал этишдангина иборат эмаслиги, у аёлларга юксак билим, интеллектуал салоҳият ва маънавиятни шакллантиришда хизмат қилиши таъкидланади. Ўзбекистон Давлат Жалон тиллари университети Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари кафедраси катта ўқитувчиси Нодира Толибоева ҳам "Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш — давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши" номли мақоласида Ўзбекистоннинг хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро қонуний ҳужжатларга қўйилиши аёллар ижтимоий фаоллигини оширишга ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилаётганлигини айтиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Алишер Тиллабоевнинг "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига" руқнида чоп этилган мақоласида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилли эканлиги эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котибияти бошлиғи Ойбек Соатов "Сайлов қонунчилиги" руқнидаги "Умумий сайлов ҳуқуқи принциплари: миллий ва хорижий тажриба" мақоласида айрим хорижий давлатлар сайлов қонунчилигининг миллий сайлов қонунчилигимиз билан фарқли жиҳатлари ҳақида фикр билдиради. Ушбу руқдан, шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти катта мутахассиси Ойбек Султоновнинг "Ўзбекистон экологик ҳаракатида депутатлик мандати квоталаниши тартибларининг афзалликлари" номли мақоласи ҳам жой олган.

Булардан ташқари, журналдан "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя", "Ҳуқуқ назарияси масалалари" руқни остида бир қанча салмоқли мақолалар ҳам ўрин олган бўлиб, уларнинг ҳеч бири ўқувчини бефарқ қолдирмайди.



«Асака банк» — обод турмуш ва фаровон ҳаёт хизматида

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб номланганлиги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт даврида давлат сиёсатининг алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган энг устувор йўналишларидан бири эканлигини далолат беради.

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида бўлгани сингари Қашқадарё вилоятида ҳам аҳоли учун сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатиш, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини молиявий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу боис, "Асака" давлат акциядорлик тижорат банкининг Қашқадарё вилоят филиали иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини изчиловчи ривожлантириш борасида юксак масъулаш, миллий ва хорижий валютлада кредитлар ажратиш каби хизматларни тақдим этмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг муҳим ишлаб чиқариш соҳаларига самарали равишда йўналтириб, банк бу маблағларни омонатчиларнинг, миҳозларнинг ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда.

Филиалнинг малакали мутахассислари томонидан кичик бизнес вакиллари, тадбиркорларга маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Ҳозирги кунда Қарши шаҳри ва ҳусусан, Қашқадарё вилояти аҳолисига ва кичик бизнес субъектларига қўлайликлар яратиш мақсадида филиал таркибиди 6 та минибанк, 2 та махсус касса, 58 та жамғарма ва коммунал тўлов кас-

салари фаолият юритмоқда.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига филиал томонидан иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 32,8 млрд. сўмни ташкил қилиб, кредит қўйилмаларининг 82,5 фоизи узоқ мuddатли кредитлардан иборатдир.

2013 йилнинг 1-ярим йиллиги мобайнида кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришга миллий валютлада жами 10,0 млрд. сўмдан ортқ миқдорда кредитлар ажратилди ва бунинг натижасида 440 тага яқин янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан 2,1 млрд. сўмдан ортқ ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан 1,8 млрд. сўмдан ортқ миқдорда кредитлар ажратилди.

"Муродали фарм текстил" масъулияти чекланган жамиятига пахта момиғи ва нотўқима матолар ишлаб чиқариш мақсадида имтиёзли шартларда узоқ мuddатли кредит ажратилди. Ушбу лойиҳанинг молиялаштирилиши натижасида корхонада замон талабига мос келадиган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва экспорт қилишга имконият яратилди.

Филиал томонидан Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган тадбиркор аёлларга ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадларига ҳам кредитлар ажратилмоқда.

Қашқадарё вилоятида ўтказилган "Тадбиркорлик — мустақам оила пойдевори" мавзусидаги бизнес форумда ғолиб деб топишган бешта лойиҳа имтиёзли шартларда молиялаштирилди. Жумладан, "Максудий" МЧЖ лойиҳаси — полиэтилен маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун, "Шарқ Зебоси" МЧЖ лойиҳаси — замонавий музлаткич ташкил этиш учун, "Универсал Агротехсервис" МЧЖ лойиҳаси — қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун, "1-сон комплекс лойиҳа қурилиш ва монтаж" корхонаси лойиҳаси — қурилиш фаолиятини ривожлантириш учун, "Насаф мебел" МЧЖ лойиҳаси — замонавий мебелларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун. Мазкур лойиҳаларни молиялаштириш учун филиал томонидан жами 951,1 млн. сўм миқдорда имтиёзли шартларда кредит маблағлари ажратилди.

Банк филиали томонидан вилоятдаги иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналар фаолиятини жонлантириш, уларга молиявий қўмак бериш ва бу орқали ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, "Шарқ" масъулияти чекланган жамиятида микрокальцит маҳсулотини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида замонавий ускуналар сотиб олиш учун имтиёзли шартларда кредит маблағлари ажратилди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 22 та янги иш ўринлари ташкил этилади.

"Асака банк" — обод турмуш ва фаровон ҳаёт хизматидаги шiori остида меҳнат қилаётган Қашқадарё вилоят филиали жамоаси тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йил давомида 18,5 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратишни режалаштирган.

Банк матбуот хизмати

ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ Хоразм филиалига очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Урганч туман ҳокимининг 2012 йил 9 августдаги 893-К-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Ҳусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 18 мартдаги 14-АК-сонли буйруғига мувофиқ, Урганч туман Ғалаба қишлоғида жойлашган, умумий майдони 1351,0 кв.м., шундан қурилиш ости майдони 139,21 кв.м. бўлган "1-сон ФАП" биноси такоррий очик аукцион савдосига чиқарилмоқда. Бошланғич баҳоси — 60 743 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 16 август кuni соат 11:00да қуйида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза, ҳуқуқий ҳужжат нухаси, бошланғич баҳонинг 15 фоизи миқдорда закалат пулини белгиланган тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖ Хоразм филиали (савдо ташкилотчиси)нинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжати асл нухаси: "Савдогар" АТБнинг Хоразм филиали

х/р: 20208000404927571006, МФО: 00552, СТИР:207126662.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисида қелишув"ни имзолаб, закалат пули тўлаган хариддорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 15 август кuni соат 17:00да тўхтатилади.

Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан аризасини қайтариб олиши мумкин.

Аукцион савдоси ўтказилиши ва зарур ҳужжатларни тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича савдо ташкилотчиси — "Capital Realtor Group" МЧЖ Хоразм филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Урганч шаҳри А. Баҳодирхон кўчаси, 185-уй (2-қават).

Телефон: (8-362) 226-00-61; (+99890) 725-38-98. Лицензия: RR-0017.

Хизматлар лицензияланган

«GOLDEN BUILD TRADING» МЧЖда 2013 йил 9 июлда бўлиб ўтган очик танлов савдоси натижалари

Т/р	Объектнинг номи	Жойлашган жойи	Ҳар бирининг минимал қиймати (сўмда)	Сотилиш баҳоси (сўмда)
1	Майнший хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш биноси қуриш учун 200,0 кв.метрдан иборат 1 ва 2-сонли ер участкалари	Бухоро вилояти, Шофиркон тумани Қалмоқон маҳалла фуқаролар йиғини эски истироҳат боғи ҳудуди 1-зонасида	105400	380 000 500 000

Хизматлар лицензияланган

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган такроран очик «Аукцион» савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 март кунги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК тугатиш комиссиясининг 2013 йил 8 июлдаги 75-сонли хатига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг қуйида келтирилган жамиятлардаги улушлари такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. Олтиариқ тумани "Олтиариқ савдо инвест" (собиқ Олтиариқ туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги **22,36 фоиз** улуши, бошланғич баҳоси **119 064 125 сўм**.

2. Бувайда тумани "Янгиқўрғон Файз Инвест" (собиқ Бувайда туман

"Матлуботсавдо") МЧЖдаги **25,00 фоиз** улуши, бошланғич баҳоси **94 275 058 сўм**.

3. Фурқат тумани "Омадли Инвест Тараққиёт" (собиқ Фурқат туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги **31,55 фоиз** улуши, бошланғич баҳоси **135 704 189 сўм**.

4. Фарғона тумани "Аввал Обод Савдо" (собиқ Аввал "Матлуботсавдо") МЧЖдаги **25,00 фоиз** улуши, бошланғич баҳоси **13 004 877 сўм**.

5. Қува тумани "Тайёрловсавдо" МЧЖдаги **25,02 фоиз** улуши, бошланғич баҳоси **8 125 052 сўм**.

6. Қувасой шаҳар "Қувасой Баракали Савдоси" МЧЖ балансидаги "Марказий омборхона"нинг **34,76 фоиз** улуши, бошланғич баҳоси **119 526 852 сўм**.

7. Учкўприк тумани Давлат таъминоти корхонасидаги **100 фоиз** улу-

ши, бошланғич баҳоси **2 429 746 сўм**.

Аукцион савдолари 2013 йил 25 июль кунли соат 10:00да бўлиб ўтади. Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2013 йил 23 июль кунли соат 17:00гача қабул қилинади.

Мазкур улушлар 2013 йил 25 июль кунли аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 12 август кунлари соат 10:00да бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилинади. Шунингдек, такрорий савдо учун аризалар савдо кунидан бир кун олдин 18:00гача қабул қилинади.

Савдога қўйилган "улуш"ларнинг ҳужжатлари билан "Савдо ташкилотчиси" ёки Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг тугатиш комиссиясида бевосита танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш

учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закатат келишувига асосан, улушнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закатат пулини тўлов ҳужжатида улуш номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг рекевизитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча савволар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси.
Тел: +99895 404-54-84 "EFFECT REAL GROUP" МЧЖ

Лицензия RR 0094

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.

Сотувчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

Сотувчининг манзили: 100077, Тошкент шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй.

Алоқа телефонлари: (8-371) 268-23-21, 268-27-29. **Факс:** 268-27-29

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва жойлашган манзили:

№	Объект номи	Объект манзили	Балансда сакловчининг номи, манзили	Объект тавсифи	Сотиш таклиф қилинаётган нархи, сўм	Энг кам инвестиция миқдори	Хусусийлаштирилган белгиланган ҳукумат қарори
1	15-уйнинг ярим ертўласи	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, 4-ноҳия	Ангрен шаҳар ҳокимлиги, 110200, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар	Бионинг қурилиш ости майдони 350,52 кв.м.	51 979 500 сўм	сотиб олиш кийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш	ПҚ-1743 25.04.2012 й.
2	7-уйнинг биринчи каватидаги "Нотураж жой" майдони	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янгиобод кўрғони, Г.Гулям кўчаси		Бионинг қурилиш ости майдони 171,83 кв.м.	38 706 480 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.
3	3-уйнинг биринчи каватидаги "Нотураж жой" майдони	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янгиобод кўрғони, Наврўз кўчаси		Бионинг қурилиш ости майдони 84,96 кв.м.	24 752 160 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.
4	10-уйнинг биринчи каватидаги "Нотураж жой" майдони	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янгиобод кўрғони, Театральная кўчаси		Бионинг қурилиш ости майдони 467,64 кв.м.	141 750 000 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.
5	"Био ва иншоотлар"	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, Катта Ўзбек тракти ҳудуди	Зангиота туман Давлат солиқ инспекцияси, 111100, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, К.Ғофуров кўчаси, 7-уй	Ер майдони 0,2705 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 477,4 кв.м.	625 113 000 сўм	-	ПҚ-1743 25.04.2012 й.
6	Собиқ ички ишлар бўлими био ва иншоотлари	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Саховат кўчаси	Ангрен шаҳар ҳокимлиги, 110200, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар	Ер майдони 0,1556 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 556,42 кв.м.	360 930 000 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.
7	"Нотураж жой биноси"	Паркент тумани, "Қорақалпоқ" ҚФЙ, Ёшлик кўрғони	Паркент тумани ҳокимлиги, 102222, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Ичкиқўрғон кўчаси, 5-уй	Ер майдони 0,13 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 320,89 кв.м.	71 522 000 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида 2013 йил 20 август кунли соат 11:00да бўлиб ўтади.

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни ўтказиш шакли, муддати ва шартлари):

1. Энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш.
2. Тўлов муддатино қисқа муддатларда амалга ошириш.

3. Сотувчи билан 20 кун муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиши санаси ва вақти: 2013 йил 19 август кунли соат 18:00гача.

Тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қил-

ган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорда закатат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган та-

лабор таклифлари.

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдода қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 268-23-21 телефон рақамларига хабар қилишингиз сўралади.

Хизматлар лицензияланган

Жаҳон мамлакатлари халқлари миллий музыка ва қўшиқчилик санъатининг ноб номуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий музыка аъёнларини авайлаб-асраш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, гўзаллик, чин инсоний қадриятларни тараннум этиш, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстлик, бирозарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган "Шарқ тароналари" IX халқаро музыка фестивалига Самарқанд шаҳрида қизгин тайёргарлик бошланиб кетган.



нинг деярли барча қитъасидаги 56 давлатдан музыка ва санъат намояндалари иштирок этишди. Ўзбекистон, ҳар гал қатнашчилар орасида илк бор фестивалда иштирок этаётган давлатлар сони кўпаймоқда. Жумладан, саккизинчи фестивалда Жанубий Америка ва Африка қитъаларидан бир қатор давлатлар вакиллари биринчи бор иштирок этиб, нуфузли ҳайъат ва томошабинлар эътирофига сазовор бўлишди.

Дарҳақиқат, "Шарқ тароналари" халқаро музыка фестивалига барча халқларнинг сивимли музыка фестивали сифатида қаралмоқда. Зеро, мазкур анжуманининг моҳияти ҳам шарқ мумтоз музыкаси воситасида миллатлараро маънавий ришталарни қайта тикламоқ ва уларга замонавий мазмун бағишладан иборатдир. Музыка фестивали шoirлар назмидан, бастакорлар созидан жой олиб, оташнафас ҳофизлар тилидан тушмай келаяпти. Истеъдодли ўзбек шоири Усмон Азим ушбу тадбирга бағишлаб "Шарқ тароналари" номли шеър битди. Иктидорли бастакор Дилором Омонуллаева эса ушбу матнга монанд куй басталаб, уни тингловчилар ҳукмига ҳавола этди. Эндilikда "Шарқ тароналари" қўшиғи фестивал мадҳиясига

«Шарқ тароналари»

нуфузли музыка анжуманига тайёргарлик қизгин паллада

айланди. Уни анжуманда иштирок этган барча санъаткорлар севиб ижро этишди:

Дунёнинг кўнглига сен бердинг ҳаёт,
Рухингдан, Она-Шарқ,
Ярадди баёт.
Куйламоқ шавқидан моҳир ўзингсан,
Ҳофиз ўзингдирсан, шоир ўзингсан.
Салом Самарқанд — Шарқ дарвозаси,
Тарал жаҳонга — Шарқ таронаси!

Жўр бўлгин, инсонга музыка — қанот,
Кўшиқдан кўнглилар бўлғуси бунёд.
Кўшиқда ўртанган тилаксан, о, Шарқ!
Жумлаи жаҳонга юраксан, о, Шарқ!

Мўъжазгина бу мадҳия ҳар қандай санъаткор ва санъатсеварнинг руҳини кўтариб, қалбини жўш урдириб юборади. Сеҳрли оҳанг билан қоришиб кетган бу шеър сўзлари киши қалбида ватанга бўлган муҳаббат, санъатнинг боқийлиги, кўшиқ деган сеҳрли туйғунинг нақадар юксак эканлигини ҳис эттира олади. Шунинг учун ҳам йиллар ўтгани сайин ушбу "Шарқ тароналари" мадҳияси янада тиникроқ жаранглайди ва шу чокчада асир бўлмаган қалблари ўзига бирма-бир ром айланди, санъат тил билмайдилар, дил билади, деган иборани янада кучайтиришга ҳизмат қилади.

Хозирда Регистон майдонида фестивалнинг асосий сахнаси ва амфитеатр ўрнатилиб, уни бу йилги фестивал мазмун-моҳиятидан ва "Обод турмуш йили"дан келиб чиқиб безатиш ишлари олиб борилмоқда. Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида оммавий сахна кўринишларида иштирок этайдиган қатнашчилар, фольклор жамоалари сараланиб, мунтазам репетиция ўтказилмоқда.

Шаҳардаги музейлар, хунармандлар марказларида эса халқимиз музыка маданияти ва тарихига оид янги экспозициялар яратиш, миллий чолғу асбоблари ва тарихий либослар кўргазмалари ўтказиш юзасидан иш олиб борилмоқда. Шунингдек, Регистон ансамблидаги Мирзо Улуғбек, Тиллақори ва Шердор мадрасаларида фестивал кунлари санъатшунос олимлар ва ёш ижодкорлар, тадқиқотчилар иштирокида Шарқ халқлари музыка меросига оид илмий анжуман ва маҳорат машғулоти ташкил этишга ҳам ҳозирлик кўрилмоқда.

Фестивал ва илмий анжуманларда иштирок этувчи хорижий ва маҳаллий мутахассислар учун шаҳардаги "Afrosiyob" ва "Registon Palas" меҳмонхоналарининг конференция зали, матбуот маркази ҳамда штаб учун ажратилган хоналари барча зарурий жиҳозлар билан таъминлаш мақ-

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

сад қилинган. Шунингдек, айни пайтда шаҳарда кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Фестиваль арафасида марказий кўчалар ва хийбонлар байрамона безатилиш белгиланган. Бундан ташқари, таниқли санъаткорлардан иборат хорижлик меҳмонларни тантанали кутиб олиш, муносиб қўзатиш билан боғлиқ тадбирлар режалаштирилган.

Халқаро фестивал қатнашчилари ва юртимиз санъат усталари, баддий жамоалар иштирокида Самарқанд шаҳридаги "Мўъжиза" амфитеатри, "Ёшлик", "Сўғдиёна" истироҳат боғлари, Самарқанд педагогика коллежи ёзги амфитеатри ҳамда бир қатор туманларда концерт дастурлари намойиш этилиши ҳамда иходий урчушлар ўтказилиши эътиборга олинди, бу масканларда ҳам тайёргарлик ишлари қизгин давом эттирилмоқда.

Музыка миллат танламайди, чегара билмайди, аммо дил талнайди. Шунинг учун ҳам у бутун дунё халқларини бири-бирига жипслаштириш, дўстлаштириш учун ҳизмат қилади. "Шарқ тароналари" халқаро музыка фестивали ҳам халқларини ана шу эзгу мақсад сари чорлаб қолаверади.

32 йилдан ортиқ умрини Андижон вилоятида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқий амалий тажрибасини ёш ходимларга ўргатишга бахшила этиб, жамоатчилик орасида эътибор қозонган инсон, прокуратура фахрийси Офтобхон Абдуллажоновна кўтулғ 60 ёшини қаршиламақда.



Муборак бўлсин!

У меҳнат фаолияти давомида Асака шаҳар прокуратурасида иш ўрганувчи, Андижон шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси, прокурор ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, Пахтаобод ҳамда Избоскан туманлари прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги, изланувчанлиги билан маъмурий орган ходимлари орасида эътибор қозонди. Камтарлиги, фидойилиги ва хизмат бурнига садоқати билан ҳамкасблари ҳурматиға сазовор бўлди.

Офтобхон Абдуллажонованинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳо-ланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Хурматли Офтобхон Абдуллажоновна, кўтулғ айёмин-гиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга ситҳат-саломатлик, узок умр, фойзли хонадонингизга фаровонлик, дастурхонингизга файзу барака тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва
Фахрийларни ихтимоний қўллаб-қувватлаш жамоатчилик
Маркази

Саҳнада одам савдоси

Огоҳликка даъват

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

Қашқадарё вилоятида "Эски мачит" театр студияси ижодкорлари одам савдосидек мудҳиш жиноятни ўзларига касб қилиб олган қимсаларнинг қилмишларини очиб ташлаш мақсадида "Чангак" спектаклини сахналаштирдилар. Р.Мухаммаджоновнинг "Аёл кечирмайди" асари асосида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби И.Тўраев режиссёрлигида сахналаштирилган мазкур спектакль томошабинларнинг қалбидан чуқур жой олиб, уларни огоҳликка чорлайди.

Қашқадарё вилоят прокуратураси ва Нишон туман ҳокимлигининг ташаббуси билан мазкур спектакль Нишон туманидаги дала шийонидеда намойиш этилди. Ушбу спектаклни томоша қилиш учун туманда истиқомат қилаётган уч юздан ортиқ хотин-қизлар тақлиф этилди.

Алдов йўли билан чет элга сотиб юборилган қиз ва жувонларнинг оғир қисмати, фарёди, болаларнинг она меҳрига ташналиги образларини Фаёза Йўлдошева, Фарҳод Бойназаров, Нилуфар

Жалилова, Фозил Назаров, Нилуфар Хайруллаева, Раъно Мустафоева, Моҳичеҳра Абдурахмонова ва Хўрият Исроилова сингари театрининг бир гуруҳ истеъдодли актёр ва актрисалари саҳнада маҳорат билан ижро этишди.

Спектаклни томоша қилган опа-сингилларимиз тинч ва осуда ҳаётимизга шукроналар айтишди. Ёлғон ваъдаларга ишонмаслик, сергак яшаш кераклигини англаб етишди. Спектаклда одам савдосига қарши кураш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳам акс этган. Алдов қурбонига айланган хотин-қизлар ҳам давлат қимоясида эканлиги, улар ҳам жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзолари эканлиги саҳнада образлар воситасида ёритиб берилди. Спектакль томошабинларда катта қизиқиш уйғотди ва уларни огоҳликка чорлади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Фахрийларни ихтимоний қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ва Сирдарё вилоят прокуратураси жамоалари прокуратура фахрийси
Базар СИНДАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти жамоаси департаментнинг Жиззах вилоят бошқармаси наватчи қисм бошлиғи Рашид Аҳмедовга палари бузруқвори
Тўлқин АҲМЕДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Фахрийларни ихтимоний қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ва Андижон вилоят прокуратураси жамоалари прокуратура фахрийси
Абдурахимжон АБДУПАТГАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Мировод туман прокурорининг катта ёрдамчиси
Фотима Азаматова отаси
Ҳоджа-Ақбар РАХМОНҚУЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдилади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

233-10-53

Faks: 233-10-53,

233-64-85

Gazeta heftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi

231

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.

Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko' chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

① — tijorat materiallari.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-7613. 47 595 nusxada bosildi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahilalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **M.DUSIYAROVA**

Musahhihi: **M.DAMBAROV**

Navbatchi: **O'.DEHQONOV**

Bosmaxoniga topshirish vaqti: 22.00.

Topshirildi: 20.00 12 34 5 6 7 8 9

Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2008-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

7 617 000 761004